

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳукукида

УДК: 809.51-3

ББК: 81.3 (5 Кит)

X-87

Худайберганова Дилдора Латипжоновна

**ХИТОЙ ТИЛИДА МАЖҲУЛ НИСБАТ МАЪНОЛИ
ГАПЛАР ВА УЛАРНИНГ СЕМАНТИКАСИ**

5А 5120102 – Лингвистика

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
Филология фанлари номзоди, доцент **Каримов А.А.**

Тошкент– 2015

МУНДАРИЖА

Кириш	3-бет
I боб. Хитой тилшунослиги, унда мажхул нисбатнинг ўрганилиши	
1.1. Хитой тили грамматикасининг умумий тушунчалари.....	8-бет
1.2. Мажхул нисбатли гапларнинг хитой тилшунослигида ўрганилганлиги.....	17-бет
1.3. Ҳозирги хитой тилида мажхул нисбатли гапларнинг рус ва ўзбек тилшунослари томонидан ўрганилганлиги.....	26-бет
1-боб бўйича хулосалар.....	30-бет
II боб. Хитой тилида мажхул нисбатнинг 被 bei олд кўмакчиси билан ифодаланиши	
2.1. Қадимги хитой тилида 被 bei маъносини берувчи шакллар.....	32-бет
2.2. Замонавий хитой тилида 被 bei ва унинг грамматик хусусиятлари.....	36-бет
2-боб бўйича хулосалар.....	48-бет
III боб. Мажхул нисбат семантикасини ифодаловчи воситалар	
3.1. Мажхул нисбатни ифодаловчи олд кўмакчиларнинг семантик маънолари.....	51-бет
3.2. Мажхул нисбатни ифодаловчи турғун конструкциялар ва уларнинг семантикаси.....	59-бет
3-боб бўйича хулосалар.....	61-бет
Хулоса	63-бет
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	65-бет

Кириш

“Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш - бу
олижаноб интилишдир...
чунки мамакатнинг иқтисодий қудратини,
унинг эртанги кунини,
боринки, тақдирини ҳам пировард натижада
ақл заковат, маънавият ҳал қилади”¹.

Каримов И.А.

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, кўпгина соҳаларда чет тилига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Жумладан, хитой тилига бўлган талаб ҳам мамлакатимизнинг барча соҳаларида сезилмоқда.

Шу боис, бугунги кун талаби бизларнинг олдимизга хитой тили, бадиий адабиёти, лексикасидан тортиб то унинг грамматикаси, ҳозирги хитой тилидаги лингвистик жараёнларни илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш, ўрганиш каби муҳим ва масъулиятли вазифаларни белгилаб бормоқда. Бу масъулият ўз ўрнида хитой тилининг тарихий грамматикаси, мумтоз хитой тили лексикаси, оғзаки нутқи бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Зеро, тил хусусиятларини айнан ўзбек тилида ёритилиши ўзбек талабалари учун анча қулай бўлиб, тилнинг грамматик хусусиятларини янада чуқур эгаллашга амалий ёрдам беради.

Маълумки, бир тилни чуқур ўрганиш учун унинг тарихи, маданияти ва тилнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини тадқиқ қилиш, ўзига хос хусусиятларини билиш ва она тили билан қиёслаш лозим.

Хитой –тибет тилларидан бири бўлган ҳозирги замон хитой адабий тили ХХРнинг расмий тили бўлиб, ҳозирги кунда бу тилда 1,5 млрд.дан ортиқ киши сўзлашади. Ундан ташқари, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Вьетнам, Мянма, Малайзия, Тайланд, Сингапур ва бошқа мамлакатларда

¹Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. –Т., Ўзбекистон, 1996. Т.4. –88 б.

хам 60 млн.га яқин киши хитой тилида гаплашар экан. Хитой тили ҳозирги пайтда БМТнинг 6 расмий ва иш юритиш тилидан бири ҳисобланади.

Диссертация, хитой тилида мажҳул нисбатнинг ифодаланиши, мажҳул нисбатни ифодалаб берувчи воситалар ва уларнинг семантик маънолари, шунингдек, 被 *bei* олд кўмакчисининг тавсифи, мажҳул нисбатнинг хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Ўзбек хитойшунослигида хитой тилида мажҳул нисбат маъноли гаплар ва уларнинг семантикаси монографик жиҳатдан таҳлил қилинмаганлиги ва махсус илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги ишимизнинг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти хитой тилида феълнинг мажҳул нисбати бўлиб, унинг семантик маънолари эса тадқиқот ишимизнинг предмети вазифасини ўтайди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Илмий ишдан кўзланган мақсад хитой тилидаги мажҳул нисбат маъноли гапларни ва уларнинг семантик маъноларини ифоланишини ўрганишдан иборат бўлиб, ушбу мақсадни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

1. хитой тили грамматикасида мажҳул нисбатнинг назарий асосларини ўрганиш;
2. 被 *bei* олд кўмакчиси ва унинг грамматик хусусиятларини таҳлил қилиш;
3. мажҳул нисбатни ифода этувчи бошқа воситаларни ўрганиш;
4. мажҳул нисбатни ифода этувчи турғун конструкцияларни ўрганиш ва таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Илмий ишда қадимги ва замонавий хитой тилида мажҳул нисбат маъноли гаплар; мажҳул нисбат маъносини ифодаловчи олд қўшимчалар ҳамда турғун конструкциялар ўрганиб, таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Хитой тилида мажҳул нисбатли гапларни ҳосил қилувчи воситаларни диахрон ва

синхрон тадқиқини амалга ошириш мазкур тадқиқот ишининг асосий масаласи ҳисобланади. Мажхул нисбатли гапларни ҳосил қилувчи воситалар семантикасининг ушбу воситалар вазифасига таъсирини аниқлаш, 由 олд кўмакчисини мажхул нисбатни ҳосил қилувчи восита сифатида қабул қилиш ишимизнинг фаразларидир.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Адабиётлар таҳлили хитой тилида мажхул нисбатни ўрганишда турли ёндошувлар мавжудлигини кўрсатди. Чунончи, хитойлик тилшунослар² Ван Ли, Лу Чживей, Люй Шусян, Люй Венхуа, Ван Цуй каби йирик олимлар, Шутова В.А., Коротков Н.Н., Ошанин И.М., Солнцева Н.В., Солнцев В.М., Семенас В.А., Горелов В.И.³ каби рус хитойшунос олимлари ўз илмий асарларида хитой тили синтаксиси ва мажхул нисбатни ўрганиб таҳлил қилишган.

Люй Венхуа “对外汉语教学法体系研究” (Ҳорижликлар учун ўқитиш методикасининг тизимли тадқиқотлари) номли рисоласида мажхул нисбатли гапларни нафақат салбий маънода балки ижобий маънода ҳам қўлланилишини асослаб беради.

Ван Лининг “Очерк грамматики китайского языка” номли рисоласида “把” *bǎ* ва “被” *bèi* олд кўмакчиларининг грамматик ва семантик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда биргаликда ўрганишни тавсия этади.

Люй Шусян “中国文法要略” рисоласида мажхул нисбатли гапларни “пассив конструкцияли гаплар” термини билан изоҳлайди ва гапда мажхул нисбат маъносини берувчи бир қанча феълларни ажратиб кўрсатади

Хитой тилида феълнинг мажхул нисбатини тадқиқ этган Ван Цуй ва Т.Г.Бочиналарнинг ҳаммуаллифликдаги “Функционально-когнитивные особенности выражения пассива в русском и китайском языках” номли

² 外国人实用汉语语法。北京语言大学出版社。2008 年， 591 页；王汉生。现代汉语实用教程。中国科学技术出版社。2009 年；“现代汉语实用语法分析”朱庆明清华大学出版社北京 2005 年；范玉琴。使用汉语语法。北京，1984 年

³ Ван Ли. Очерк грамматики китайского языка, И.М.Ошанин Слова и части речи в китайском языке – М., автореферат докт. дисс. Солнцева Н.В. Солнцев В.М. К вопросу агглютинации в современном китайском языке- Вопросы языкознания, №6, 1982 г.

мақоласида улар мажҳул нисбатни икки турга бўладилар: мажҳуллик маркери воситаси ва ушбу воситасиз, яъни семантик мазмунга кўра мажҳул нисбат. Мажҳулликни ифода этувчи воситалар ўз ичига морфологик ёки лексик маркерлар (олд кўмакчилар ва ёрдамчи сўзлар)ни олади. Бундай конструкциялар феълнинг морфологик ўзгариши ёки ёрдамчи лексемаларни қўшилиши билан ифода этилади⁴.

Е.Товянскаянинг “Прагматическая функция пассивных конструкций bei в современном китайском языке” номли мақоласида ҳам ҳозирги хитой тилида мажҳул нисбатли гапларнинг грамматик ва синтактик хусусиятлари ўрганилган бўлиб, унда муаллиф асосан ҳозирги хитой тилидаги мажҳул нисбатнинг ижобий ёки салбий маъноларини ўрганган.

Тадқиқотда қўлланилган методнинг тавсифи. “Хитой тилида мажҳул нисбат маъноли гаплар ва уларнинг семантикаси”га бағишланган магистрлик диссертациямизни тадқиқ этишда таҳлилий ва тавсифий методлардан фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мажҳул нисбатни ифодаловчи воситалар, уларнинг семантикаси таҳлили ишнинг назарий аҳамиятини ташкил қилса, мажҳул нисбатли гаплар таҳлили ва таҳлилнинг натижалари хитойшунослик соҳаси бўйича дарслик ва ўқув кулланмалар тузишда қўлланилиши ишнинг амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Иш тузилмасининг тавсифи. Мазкур магистрлик диссертация иши кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, ўрганилганлик даражаси, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий аҳамияти, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, тадқиқот мавзуси бўйича адабиётар шарҳи, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти баён этилган.

⁴ Ван Цуй, Т.Г.Бочина. Функционально-когнитивные особенности выражения пассива в русском и китайском языках. //Вопросы языкознания.№6. М.,2002.

Биринчи боб “Хитой тилшунослиги, унда мажхул нисбатнинг ўрганилиши” деб номланиб, унда хитой тили грамматикасининг шаклланиш босқичлари ва унинг ўзига хосликлари ҳамда мажхул нисбатни тилшунослар томонидан ўрганилганлиги кўриб чиқилади.

Иккинчи бобда хитой тилида мажхул нисбатнинг 被 *bei* олд кўмакчиси билан ифодаланиши, қадимги ва замонавий хитой тилида мажхул нисбатли гаплар, 被 *bei* ва унинг грамматик хусусиятлари таҳлил этилади.

Ишнинг учинчи бобида хитой тилида мажхул нисбат семантикасини ифодаловчи воситалар, яъни олд кўмакчи ва турғун конструкциялар ўрганилади.

Хулоса қисмида мазкур мавзуда келтирилган далиллар юзасидан умумий хулосалар баён этилади.

I БОБ. ХИТОЙ ТИЛШУНОСЛИГИ, УНДА МАЖҲУЛ НИСБАТНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

1.1.Хитой тили грамматикасининг умумий тушунчалари

Замонавий хитой тилшунослиги эрамиздан аввал асос солинган узоқ хитой тилшунослик анъаналарининг меросхўридир. Тилшуносликнинг илк асосий фанлари сифатида лексикология, луғатшунослик ва тарихий фонетика фанлари эътироф этилади. Бироқ, на қадимги ва на замонавий хитой тили грамматикаси анъанавий филологияда ўзининг сезиларли ривожига эришмаган. Хитой филологик анъаналарига йўғрилган грамматикага оид тадқиқотлар лексикологик шаклга эга бўлиб, грамматик изоҳларда эса луғатда қай тартибда берилишига қараб хитой тилининг ёрдамчи сўзлари талқин этиларди⁵.

Грамматика фани хитой филологияси учун янги фан сифатида эътироф этилади. Ўзларининг она тили грамматикасини изоҳлашга киришган хитой тилшунос олимлари фақатгина XIX асрда танишиб чиқилган европа тилшунослиги назариясига таянар эдилар.

Замонавий хитой тилшунослиги европа ва хитой тилшунослик анъаналарининг омухтасидир⁶. Хитой тилшунослигига европа филологик анъаналари ўзининг барча мактаблари ва оқимлари билан кириб борган.

Ҳозирги хитой тили грамматикаси асослари юқорида таъкидлаб ўтилганидек, европа тилшунослиги билан уйғунлашган ҳолда шакллана бошлади. Ҳозирги хитой тили грамматикасига бағишланган илк асарлар Ван Ляо Ининг “Хитой тили грамматикаси асослари” ҳамда Люй Шусяннинг “Хитой тили грамматикаси очерклари” асарлари ўтган асрнинг 40-йилларидагина ёзилди. Ушбу икки асар 50-йилларга келиб тематик жиҳатдан янада такомиллаштишни талаб этди ва шу тариқа ўтган асрнинг 60-йилларидан то 70-йилларига қадар Хитойда бўлиб ўтган “маданий инқилоб” даврида биров танаффусдан сўнг янада мукаммаллаштирилди.

⁵Софронов М. В. Китайское языкознание в 50-80-ххгг. (Вступительная статья к сборнику Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXII. Языкознание в Китае", М.; "Прогресс", 1989 г. Стр-36 .

⁶Ўша манба

“Маданий инқилоб” даврида лингвистик назария соҳасида ҳам талайгина ўзгаришлар кузатилади. 50-йилларда хитой тилшунослигида турли лингвистик мактабларнинг назарий қарашларини талқин этиш урф бўлиб, бунда асосий ўринни Совет тилшунослик мактаби эгаллаган эди. Ўтган асрнинг 60-йилларига келиб эса тилнинг тавсиф этилиши ва тилни ўрганишни структур усулларини ўрганиш билан аҳамиятли бўлган. 70-йиллардан бошлаб хитой тилшунослиги дунё тилшунослик мактабларининг назарий қарашларини чуқур ўрганиш ва тадқиқ этишга кириша бошлади.

Хитой тили грамматикасини ёритувчи муаллифлар олдида жиддий масала кўндаланг қўйилган бўлиб, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб 80-йилларига қадар ҳозирги хитой тили ва лексикологияси, диалектология, ёзув ва унинг ислохотлари жараёнлари, хитой ёзувининг ўзига хос жиҳатларини илмий ва амалий нуқтаи назардан изоҳлаш билан белгиланган эди⁷. Замонавий хитой тили грамматикасини ёритиш бир қатор хитой тилшуносларининг олдида турган жиддий масала эди.

Ушбу доирада изланишларнинг асосий мазмуни “хитой тили грамматикаси нима?” деган саволга жавоб топишдан иборат бўлган. Шу давр изланувчилари хитой тили қатъий қонун-қоидаларга бўйсинмайдиган тил эканлигини аниқ идрок этардилар. Шу даврга қадар европа тилшунослиги анъаналари ва қонуниятлари эса хитой тилини лингвистик таҳлил қилишга ожиз эди. Европа тиллари грамматикаси морфология ва синтаксисга бўлинган бўлиб, морфология бўлимида сўз туркумлари аниқ белгиланиб, тилни тартиблилигини таъминларди. Бироқ хитой тили грамматикасини қай йўсинда изоҳлаш лозим? Хитой тилида сўзлар аксарият ҳолларда ўзининг ташқи грамматик кўрсаткичларини номоён этмайди, яъни ҳар бир сўз гапда эгаллаган ўрнига кўра у ёки бу сўз

⁷Софронов М.В. Китайское языкознание в 50-80-хх гг. (Вступительная статья к сборнику "Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск XXII. Языкознание в Китае, Москва, Прогресс, 1989 г. Стр-37

туркумига, шу билан бирга сўзлар бир неча сўз туркумларига тегишли бўлиши мумкин.

Хитой тилшуносларидан замонавий хитой тили грамматикасини яратувчиси сифатида XIX аср охири ислохотлари намоёндаси ва маърифатчиси Ма Цзянчжун эътироф этилади. Ма Цзянчжун инглиз ва француз тиллари таржимони, шунингдек публицистик асарлар муаллифи сифатида танилган. Унинг хитой тили грамматикасига оид машҳур асари 1898-йилда нашр этилган “Ма ши вентонг” асаридир. Унинг ушбу асарида қадимги хитой мумтоз тили вэнян асосий ижтимоий сиёсий тилнинг жонли манбаъси сифатида таърифланарди. Мазкур асарнинг сўз бошида Ма Цзянчжун халқнинг таълим олиши учун тилшуносикда бир қўлланма, яъни Европада номланишига кўра “грамматика” яратиш ушбу ишининг мақсади эканлигини эътироф этади.

Ма Цзянчжуннинг марказий грамматик тушунчаси 字 zìнинг грамматик шакли ҳисобланади. Ма Цзянчжуннинг фикрига кўра сўзнинг грамматик шакли унинг гапда эгаллаган ўрнига кўра белгиналади. Хитой тилида гапда сўзлар маълум тартиб асосида жойлашади. Ушбу тартиб сўзлар орасидаги муносабатни белгилаб беради. Ушбу тартибга кўра гапда эга биринчи ўринга, кесим иккинчи, тўлдирувчи эса учинчи ўринга қўйилади. Ҳар қандай аниқловчи аниқланмишдан олдин жойлашади. Ушбу тартиб хитой тилшунослари ўз она тили грамматикасини яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Хитой тилшунослигининг бутун тарихи мобайнида лексика, иероглифика ва фонетика муаммоларини ўрганишга асосий урғу берилган. Фақат грамматикага оид ишлар нисбатан камчиликни ташкил этган. Бундан ташқари, X асрдан XX асргача тадқиқот объектининг ягона мумкин бўлган эталони сифатида вэнянда ёзилган қадимий ёдгорликлар кўриб чиқилган, сўзлашув тили эса бундай тадқиқотларда ҳисобга олинмаган ва кўриб чиқилмаган.

Хитой тилини таҳлил қилар эканмиз унинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олганда бу тилда морфема ва сўз орасига чегара қўйиб бўлмайди, негаки унда замонавий тилдаги айрим моносиллаб (бир бўғинли сўз) лардан ташқари бир бўғинли сўз сифатида келадиган, аҳамиятга эга бўлган морфемалар умуман йўқ⁸.

Одатда нутқда мустақил ишлатилишдан маҳрум айрим морфемалар айрим синтактик шароитларда мустақил тил бирлиги сифатида қўлланилади ва бир бўғинли сўз ҳолатига киради. Мисол учун: 眼 уан кўз, 題 ті мавзу каби сўзлар алоҳида қўлланилмасда айрим гапларда бундай хусусият касб этади.

Мустақил қўлланиш хусусиятини йўқотган айрим морфемалар (асосан веньян тилининг бир бўғинли сўзлари), фразеологик йиғиндилар таркибида эркин фойдаланиб келинмоқда. Мисол учун, замонавий хитой тилида 肥沃 feibo ҳосилдор, 天地 tiandi осмон ва ерлар, дала, дунё каби сўзлар морфема бўлиб келади. Аммо веньян нормалари асосида қурилган ибора таркибида 肥天沃地 feitianboti ҳосилдор ерлар, улар мустақил сўз вазифасида келади.

Ҳақиқатда байхуа ва веньян элементлари аралашмасида морфемалар “тирилиш” хусусиятига эга⁹.

Ушбу муаммо хитой тилшуносларнинг барчасини ўйлантирарди. Ушбу масалани ҳал этиш учун тилшунослар хитой тилидаги сўзларни сўз туркумларига ажратиш лозимлигини эътироф этадилар ва шу тариқа сўзларни сўз туркумларига ажратиш масаласи бўйича кенг қамровли илмий изланишлар бошланиб кетади.

Хитой тилининг бошқа тиллардан фарқланувчи хусусияти сифатида сўзларнинг шахс, замон, шакл, жинс, сон, келишик ва ҳ.к. бўйича морфологик ўзгаришларининг мавжуд эмаслиги кўрсатилади. Хитой

⁸Гуревич. И.С. Очерк грамматики китайского языка 3-4 вв. нэ. Монография / И.С.Гуревич. – М.: Наука, 1974. – 254с.

⁹Солнцева Н.В. Солнцев В.М. К вопросу агглютинации в современном китайском языке. //Вопросы языкознания, №6, 1982. 232 с.- Стр-125

тилигагина хос бўлган яна бир жиҳат сифатида сўз туркумларига мансубликда эркинлик, яъни тил бирликларининг бир категориядан иккинчи категорияга эркин кўчиб юришлари эътироф этилади.

Хитой тилида феъл предметнинг ҳолати ёки ҳаракатини ифодалаб гапда одатда кесим вазифасида келади. Ҳаракатнинг мақсади ёки бажарилиш тарзини ифодалаб гапда ҳол вазифасида қўлланилади. Предметнинг хусусиятини ифодалаган ҳолларда эса гапда аниқловчи вазифасида келади. Айрим ҳолларда хитой тилида феъл эга вазифасида ҳам учраши мумкин¹⁰. Хитой тилида феъллар соф феъллар ва ёрдамчи феълларга бўлинади. Соф феъллар натижавий ва натижасиз феълларга бўлинади.

Натижасиз феъллар предметнинг ҳаракати ва ҳолатини ифодалаш билан бирга натижани англатувчи маънони ўз таркибига олмайди, масалан: 活 huó - яшамоқ, 看 kàn - қарамоқ, 坐 zuò - ўтирмақ, 休息 xiūxi – дам олмақ, 批评 pīpíng – танқид қилмоқ.

Натижавий феъллар асосан икки қисмдан ташкил топади. Ушбу феълларнинг биринчи қисми ҳаракатни ифодалаб, феълнинг асосий мазмунини билдириб келса, иккинчи ёрдамчи феъл ҳаракатнинг сифати ёки натижавийликни ифодалайди. Масалан: 作完 zuòwán – қилиб бўлмақ, 写好 xiěhǎo - ёзиб бўлмақ.

Натижавий йўналтирилган феъллар ҳам асосан икки бўғиндан иборат бўлиб, ҳар икки қисми ҳам ҳаракатни ифодалайди. Бунда биринчи бўғин феълнинг асосий маъносини билдиради, иккинчи бўғиндаги феъл ҳаракатнинг йўналишини ифодалайди, масалан: 坐下 zuòxià - ўтирмақ, 拿出 náchū – олиб чиқмоқ.

Феъл сўз туркуми доирасида ўрганиладиган ва бу туркум таркибида бўлган кичик бўлимлардан бири бу ёрдамчи феъллардир(助动词 zhùdòngcí). Ёрдамчи феъллар миқдори чегараланган, кичик бўлим бўлсада, аммо,

¹⁰Горелов В.И. Грамматика китайского языка. М., Просвещение, 1974 г., - 23 С.

маъноси мураккаб, оддий феълларга ўхшамаган, ўзига хос хусусиятларга эга. Улар гапда қўлланилаётган бошқа мустақил феълларга қўшимча грамматик маъно беришга хизмат қилади ва заруриятни, эҳтимоллиликни ҳамда хоҳиш-истак маъноларини ифодалайди. Бундай феъллар, шунингдек, модал феъллар деб ҳам аталади¹¹. Ёрдамчи феъллар ўз маъно ифодасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

- Имкониятни, қобилиятни ифодалайдиган ёрдамчи феъллар (表示能力 biǎoshì nénglì):
能 néng、能够 nénggòu、会 huì
- Мумкинлилик, эҳтимоллиликни ифодалайдиган ёрдамчи феъллар (表示可能的 biǎoshì kěnéngde): 能 néng, 可以 kěyǐ, 可能 kěnéng.
- Заруриятни ифодалайдиган ёрдамчи феъллар (表示情理上需要 biǎoshì qíng lǐ shàng xū yào): 应 yīng, 该 gāi, 要 yào, 应该 yīng gāi, 应当 yīng dāng
- Мажбуриятни ифодалайдиган ёрдамчи феъллар (表示需要 biǎoshì xūyào): 得 deī, 必须 bìxū
- Хоҳиш-истакни ифодалайдиган ёрдамчи феъллар (表示主观愿望 biǎoshì zhǔguān yuànwàng): 要 yào, 想 xiǎng, 敢 gǎn, 愿意 yuànyì.

Хитой тилида ёрдамчи феълларни асосий феъллардан ажратиб турадиган бир қанча хусусиятлари мавжуд¹².

- Ёрдамчи феъллар асосий феъллар билан қўшилибгина гапда маъно ҳосил қилиши мумкин. Масалан :

他能 (tānéng) - у қила олади.

Бунда гап тугалланмаган ва у нима қила олишини аниқ ифодалашда қандай феъл қўллашимиз кераклиги контекстда маълум бўлади. Масалан:

¹¹实用现代汉语语法. 北京语言大学出版社. 2008 年, 470 页.

¹² “实用汉语语法” HungNinChang, LiLinShi, Sze- YunLiu. A practical chinese grammar .1994. – 56 p.

您能再拿来一件大一点的吗？Nín néng zài nálái yí jiàn dà yīdiǎnde ma?

Сиз яна битта каттароғини олиб кела оласизми?

- Ёрдамчи феъллар замон қўшимчаларини, яъни ёрдамчи сўзларни қабул қилмайди.

他能{ -了, -过, -着 }唱歌 tānég { -le, - guò, - zhe } chànggē

- Ёрдамчи феъллар 很 hěn жуда ёки 更 gèng янада каби даража равишлари билан кенгая олмайди.

他{很, 更}能唱歌. Tā {hěn, gèng} néng chànggē.

У (жуда, янада) қўшиқ айта олади.

Гап маъносига қараб даража англашилади. Ёки даража равишлари гап охирида, сифатдан, кўп ҳолларда, феълдан олдин қўйилади.

我能听任何音乐 Wǒ néng tīng rènhé yīnyuè - Мен ҳар қандай мусиқани эшита оламан


- Ёрдамчи феъллар 是 的 конструкцияси билан бирга қўлланила олмайди.

他是能的 тарзидаги гап нотўғри ҳисобланади.

Ёрдамчи феъллар айниқса, хоҳиш-истакни ва қобилятни ифодаладиган модал феъл турлари грамматик функцияси ва грамматик хусусиятлари жиҳатидан ҳаракат феълларига жуда яқин¹³.

Модал феъллар 把 ли ва 被 ли гапларнинг феъл кесими бўлиб кела олмайди. Масалан, қуйидаги шаклда гапира олмаймиз 你今天把这本书应该看完, лекин қуйидагича айтишимиз мумкин: 你今天应该把这本书看完.

¹³实用现代汉语语法. 北京语言大学出版社.2008 年, 470 页



Хозирги хитой тили грамматикаси илк бор 1946 йилда Ван Ляо И (Ван Ли)нинг “Хитой тили грамматикаси асослари” номли рисоласида ёритилган. Ушбу рисола 1954 йилда рус тилига таржима қилинган. “Лексик маъно ва грамматик вазифани,-деган эди Ван Ли,-бир бутунликда олиб ўрганиш керак, ушбу мезонлардан фақат биттасигагина суяниб бирон иш қилиб бўлмайди. Масалан,шахс ёки предметни ифодаладиган ҳамда доим эга ва кесим вазифасида келувчи сўзлар от деб аталади”¹⁴.

Ван Лининг ёзишича, сўзларни туркумларга бўлиш сўз англатган маъноси ҳамда вазифасига кўра бўлиши лозим. Ван Ли Ли Сзинсининг қуйидаги сўзларига қарши муносабат билдирган: “Агар сўзнинг ўзидан келиб чиқадиган бўлсак, хитой тилида сўз туркумларини ажратиб

¹⁴Солнцева Н.В. Солнцев В.М. К вопросу агглютинации в современном китайском языке. //Вопросы языкознания, №6, 1982. 232 с.- Стр-128.

бўлмайди. Сўзнинг гапдаги ўрнини ҳамда вазифасини ҳисобга олиш лозим. Шундагина берилган сўзнинг қайси туркумга оидлигини билиш мумкин бўлади. Бу хитой тили грамматикасини ғарб тиллари грамматикасидан фарқлаб турувчи асосий хусусиятдир”¹⁵.

Ван Ли ўзининг “Очерк грамматики китайского языка”, шунингдек бошқа бир қанча асарларида хитой тилидаги сўзларни уларнинг лексик маъносига асосланиб, шу билан бирга уларнинг синтактик функцияларини ҳам эътиборга олган ҳолда туркумларга ажратди. Ван Ли бунда семасиологик, синтактик ва морфологик тамойилларга асосланди.

1955 йилда Шанхайда Цзин Чжаоцзининг “Хитой тили грамматикаси тадқиқи” номли рисоласи нашр этилади. Муаллиф ўз рисоласида хитой тилидаги сўзларни икки катта грамматик гуруҳга ажратади, бироқ ушбу гуруҳга мансуб сўзлар грамматик маъносига кўра эмас, балки маъно мазмунига кўра гуруҳланган эди.

1957 йилда Пекинда Ли Цзинсининг “新著国语文法” рисоласи нашр юзини кўради. Ли Цзинси ўзининг грамматикага бағишланган илмий асарида хитой тилида сўзларни сўз туркумларига ажратиш масалаларига атрофлича тўхталиб, сўзларни беш гуруҳга ва бу гуруҳларни ўз навбатида кичик гуруҳларга ажратади.

Ли Цзинси Ма Сзянчжун тадқиқотларининг давомчисидир. Морфологияда синтактик мезонга асосланган ҳолда у ўз грамматикасида сўз туркумларининг қуйидаги таснифини келтирди: 1) исмлар – от ва олмошлар; 2) феъллар – феъл ва феълнинг муносабат шакллари, яъни кесим вазифасида кела оловчи қолган барча сўз туркумлари (масалан, бундай вазифани бажарувчи сифатлар Ли Цзинси грамматикаси бўйича феълнинг муносабат шакллари ҳисобланади); 3) чегараловчи сўзлар – сифат ва равишлар; 4) ўзаро муносабатда бўлувчи сўзлар – кўмакчи ва боғловчилар; 5) вазиятдан келиб чиқувчи сўзлар – юклама ва ундов сўзлар.

¹⁵ Солнцева Н.В. Солнцев В.М. К вопросу агглютинации в современном китайском языке. //Вопросы языкознания, №6, 1982. 232 с.- Стр-128

1.2. Мажхул нисбатли гапларнинг хитой тилшунослигида ўрганилганлиги

Ҳозирги хитой тили грамматикасининг назарий асосларини батафсил ёритиб берган Ван Лининг “Хитой тили грамматикаси асослари” номли илмий рисоласида 把 bǎ ва 被 bèi олд кўмакчиларининг грамматик ва семантик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда биргаликда ўрганишни тавсия этади. Ван Лининг эътироф этишига кўра, 把 bǎ ва 被 bèi олд кўмакчилари бирламчи феъл сўз туркумига мансуб бўлиб, кейинчалик эса ёрдамчи феъл категориясига ўзлаштирилган. Ёрдамчи феъллар деб гап таркибидаги бошқа феълга бириккан ҳолда бирон бир воқеа ҳодисани тавсиф этишда кўмак берувчи феъллар тушунилади. 把 bǎ ва 被 bèi олд кўмакчиларининг гапдаги функциялари турлича бўлсада, бироқ улар иштирок этган грамматик конструкциялар бир қанча ўхшашликларга эгадир. Шунинг учун Ван Ли бу икки олд кўмакчининг таърифини бир бўлимда изоҳлайди.

Бирламчи 把 bǎ олд кўмакчиси қўлда ушлаб турмоқ маъносини англатган. Ҳозирги кунга келиб эса мазкур иероглиф ёрдамчи сўз туркумига мансуб олд кўмакчи вазифасида ҳам қўлланилади.

Хусусан, 把字句 bǎ zì jù предлоги иштирокидаги гаплар ўзбек тилига енгил таржима қилинса-да, аммо таржима жараёнида уни ўрнида қўллаш ўзига хос мураккабликларга сабаб бўлади. 把字句 bǎ zì jù грамматик тузилиши:

Эга + 把 bǎ + тўлдирувчи + кесим (натижавий феъл билан ифодаланган) .

老师把钥匙放在桌子上了。Lǎoshī bǎ yàoshi fàng zài zhuōzi shàngle.
Ўқитувчи калитни стол устига қўйди.

弟弟把雨伞摔坏了。Dìdì bǎ yúsǎn shuāi huàile.

Укам соябонни тушириб бузиб қўйди.

他把奖学金领来了。Tā bǎ jiǎngxuéjīn lǐngláile.

У таълим грантини қўлга киритди.

Келтирилган гапларнинг ҳар бири юқоридаги формула асосида тузилган. Демак, 把 bǎ предлоги ҳар икки суҳбатдошга маълум бўлган предмет устидан бирон ҳаракат бажарилган ҳолатда ишлатилади ва ўзбек тилига -ни, тушум келишиги қўшимчаси сифатида таржима қилинади. Ҳаракат бажарилганлигини, яъни содир этилганлигини 了 le ёрдамчи сўзи орқали ифодалашимиз мумкин.

Инкор шаклдаги гаплар эса фақатгина 没 méi инкор равиши орқали ясалади ва 没 méi равиши 把 bǎ предлогидан олдин қўйилади.

她没把大衣穿好。 Tā méi bǎ dà yī chuān hǎo .

У пальтосини киймади.

鸡没把地上的米吃光。 Jī méi bǎ dì shàng de mǐ chī guāng.

Товуқ ердаги гуручни еб қўймади.

工人们没把那条路修好。 Gōng rén men méi bǎ nà tiáo lù xiū hǎo .

Ишчилар анави йўлни таъмирламадилар.

Шунингдек, хитой тилида предметнинг ҳолати ва жойи ўзгарган ҳолларда 把 bǎ предлогини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ван Ли 把 bǎ олд кўмакчиси билан бир ҳилликка эга бўлган 被 bèi олд кўмакчиси иштирокидаги гапларни “пассив конструкция” деб юритади. Агар кесими феъл билан ифодаланган дарак гапларда ҳаракат эгадан англашилса мазкур гаплар актив қурилмага эга бўлган гаплар ҳисобланади. Бунга мисол тариқасида 他打了你。 Tā dǎ le nǐ. У сени урди тартибида тузилган гапни келтиришимиз мумкин. Мазкур гапда эга 他 tā “у”, феъл билан ифодаланган ҳаракат 打 dǎ “урмоқ” шу ҳаракатни бажарувчиси 他 tā “у”дан англашилади. Ван Ли феъл кесимдан англашилган иш ҳаракат эгага қаратилган бўлса, мазкур тартибда тузилган гапларни пассив гаплар, яъни мажҳул нисбатли гаплар деб атайди¹⁶.

¹⁶Ван Ли. Основы китайской грамматики. Москва, Иностранная литература. 1984 г., 127 С.

Одатда бирон бир ҳодисани таърифлашда биз актив конструкцияли гаплардан фойдаланамиз. Пассив конструкцияли гаплар эса фақатгина истисно тариқасида ишлатилади. Актив ва пассив конструкцияли гаплар нафақат маъно жиҳатидан, балки функцияси жиҳатидан тамомила бир хилдир. 他打了你. Tā dǎle nǐ. У сени урди каби кўринишдаги гапда мен “У” ҳақда хабар етказмоқчи бўламан, 你被他打了 Nǐ bèi tā dǎle. Сен у тарафидан урилдинг каби кўринишдаги гап билан эса мен “сен” ҳақингдаги хабарни етказмоқчи бўламан. Баъзан биз актив ёки пассив конструкцияли гапларни матннинг шартларидан келиб чиққан ҳолда танлаймиз. Масалан:

你被他打了，却不怎还手。Nǐ bèi tā dǎle, què bù zěn huán shǒu。

Сен у томонидан урилдинг, бироқ асло жавоб қайтарма.

Ушбу гапни ифода этиш учун пассив конструкциядан фойдаланганимиз маъкулроқ. Агар:

他打了你，你却不怎还手。Tā dǎle nǐ, nǐ què bù zěn huán shǒu .

У сени урди, бироқ сен асло унга жавоб қайтарма.

Ушбу гапда 你 nǐ сен сўзи икки марта ортиқча қўлланилган, шу билан бирга мазкур гапнинг ҳар икки қисми ҳам нисбатан камроқ боғланганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Ван Ли ҳар қандай актив конструкцияли гапларни пассив конструкцияли (мажхул нисбатли) гапларга айлантириб бўлмаслигини таъкидлаб ўтади. Унинг эътироф этишича, хитой тили грамматикасида мажхул нисбатли гаплар актив конструкцияли гапларга нисбатан қўлланилиш кўлами торроқ. Жуда кўп актив конструкцияли гаплар механик тарзда мажхул нисбатли гапларга айлантирилмаслигини кўришимиз мумкин. Масалан:

张三喜欢李四 Zhāng Sān xǐhuan Lǐ Sì Джанг Сан Ли Сини ёқтиради деб, айтиш мумкин. Бироқ, 李四被张三喜欢 Lǐ Sì bèi Zhāng Sān xǐhuan - Ли Си Джанг Сан тарафидан ёқтирилади деб айтилмайди. Ёки яна бошқа

мисол: 我读“红楼梦” wǒ dú “Hóng lóu mèng” Мен “Қизил кўшкдаги туш”ни ўқияпман “红楼梦”被我读 Hóng lóu mèng bèi wǒ dú “Қизил кўшкдаги туш” мен тарафимдан ўқияпти деб айтилмайди.

Мажхул нисбатли гаплар одатда кутилмаган ёки исталмаган нарсани билдиради, масалан, эга тарафидан белгиланиб бахтсизлик, хафачилик, бирон бир кимсага фойдасиз бўлган ёки унга зиён етказадиган воқеа ходиса ҳақида хабар беради¹⁷.

Масалан:

我们被人欺负了。Wǒmen bèi rén qīfule.

Биз одамлардан тарафидан хафа қилиндик.

老太太也被风吹病了。Lǎotàitai yě bèi fēng chuī bìngle.

Хола ҳам (шамол туфайли) шамоллаб қолди.

我哥哥被县里拿了走。Wǒ gēge bèi xiànlǐ nále zǒu.

Менинг акам еузд бошлиғи томонидан қамоққа олинди.

知是何三被人打死。Zhī shì Hé Sān bèi rén dǎsǐ.

Маълум бўлишича Хе учинчи кимдир томонидан ўлдирилган.

Ван Лининг “Очерк грамматики китайского языка” номли илмий рисоласида 被 bèi олд кўмакчиси ва феълнинг мажхул нисбатига бағишланган бобларида қуйидаги фикрларга тўхталишни лозим топдик. 被 bèi олд кўмакчиси иштирокидаги гапларнинг ҳаммаси ҳам фақатгина салбий маънони англатмай, балки ижобий маънода ҳам кенг қўлланмоқда, бунга сабаб сўнгги йилларда хитой тилига ғарб грамматикасининг таъсири натижасидир. Унинг эътироф этишича, кўпгина газета мақолаларида шу каби ҳолатлар кузатилмоқда. Масалан:

张扬林被任命为临使。Zhāng Yánglín bèi rèn mìng wéi línshǐ.

Джан Ян Лин консул этиб тайинланди.

李寿彭被称为球王。Lǐ Shòupéng bèi chēngwéi qiúwáng.

¹⁷Ван Ли. Основы китайской грамматики. Москва, Иностранная литература. 1984 г. 128 С.

Ли Шуо Пен теннис бўйича чемпион деб эълон қилинди.

毛先光被新闻记者访问。Máo Xiānguāng bèi xīnwén jìzhě fǎngwèn .
Мао Сян Гуан газета корреспонденти томонидан интервьюга тортилди.

Бироқ пассив конструкциянинг европалашган қўлланилиши хали омма томонидан кенг қўлланилмапти. Шунинг учун, грамматик нормалар нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, 被 bèi олд кўмакчиси иштирокидаги пассив конструкцияли гаплар кутилмаган ва исталмаган воқеа ҳодисаларни ифодалайди.

Ван Лининг ёзишича қадимги хитой тилида мажхул нисбатли гаплар, яъни пассив конструкцияли гаплар 为 所 wéi....suǒ грамматик курилмаси орқали ифодаланган. 为 wéi сўзини ёрдамчи феъл деб ҳисобласа бўлади ва уни 被 bèi олд кўмакчисининг аналогси сифатида эътироф этамиз, лекин 为 wéi пассив конструкцияли гапларда якка ҳолда қўлланилмайди, уни албатта 所 suǒ феъл морфемаси билан биргаликда қўлланилади. Ҳозирги хитой тилида эса 为 所 wéi...suǒ мажхул нисбатли конструкция ўрнига кўпинча 被....所.... bèi...suǒ конструкцияси қўлланилади.

被 bèi олд кўмакчисисиз мажхул нисбатли гаплар. Агар гап таркибида 被 bèi олд кўмакчиси иштирок этмаган бўлса, мазкур гаплар актив конструкцияли гаплар билан бир ҳил шаклда бўлиб қолади. Ушбу ҳолатда гапнинг фақат семантикасига қараб фарқлаш мумкин бўлади.

Масалан:

五儿吓得哭哭啼啼。Wǔ Er xiàdé kūkū títi.

У Эр қўрқитилиб йиғлаб юборди.

两个人都该法。Liǎng gè rén dōu gāi fǎ.

Сиз иккингишни жаримага тортиш керак.

这老侯已经问了罪。Zhè lǎo hóu yǐjīng wèn lezuì.

Бу қария кампир аллақачон сўроқ қилқинган.

Предметга нисбатан ҳаракатни содир этадиган “把 bǎ” олд кўмакчиси билан ифодаланадиган актив конструкцияли гаплар билан «被 bèi” олд кўмакчиси иштирокидаги пассив конструкцияли гапларнинг яна бир ўхшашлиги шундаки, ҳар икки турдаги гапларда ҳам инкор равишлари “把 bǎ” ва “被 bèi”дан кейин қўлланилмайди. Масалан:

我把那一封信烧了。 Wǒ bǎ nà yì fēng xìn shāole.

Мен ўша хатни ёқиб ююбордим.(√)

那一封信被我烧了。 Nà yì fēng xìn bèi wǒ shāole.

Ўша хат мен томонидан ёқиб юборилди.(√)

我把那一封信不保存。 Wǒ bǎ nà yì fēng xìn bù bǎocún.

Мен ўша хатни сақлаб қолмайман. (X)

那一封信被我不保存。 Nà yì fēng xìn bèi wǒ bù bǎocún.

Ўша хат мен томонидан сақлаб қолинмайди.(X)

Ван Лининг тадқиқотларидан келиб чиқадиган бўлсак, мумтоз хитой тилида мажхул нисбатли гаплар мавжуд бўлган, бироқ предметга нисбатан ҳаракатни содир этувчи 把 bǎ олд кўмакчиси иштирокидаги гаплар бўлмаган. Ҳозирги кунда ҳам Хитойнинг айрим диалектларида 把 bǎ олд кўмакчиси иштирокидаги гаплар қўлланилмайди.

Ҳозирги хитой тилининг назарий грамматикаси таҳлили ва изоҳига бағишланган яна бир йирик илмий асар Люй Шусяннинг “Очерк грамматики китайского языка” (“Хитой тили грамматикаси очерки”)номли рисоласидир. Мазкур асарнинг муаллифи илк бор 1953 йилда “Грамматикани қандай ўрганиш керак” номи билан кичик илмий рисоласини нашрдан чиқаради. Ушбу рисола “Очерк грамматики китайского языка”нинг қисқартирилган шакли бўлиб, асарнинг тўлиқ шакли 1956 йилда нашр этилган. Хитой тилшунослигида етук тилшунос сифатида эътироф этиладиган профессор Люй Шусяннинг бир қатор илмий асарлари хитой тили ва ёзувининг ўрганилишига бағишланган. Унинг аксар илмий ишлари хитой тили синтаксиси тадқиқига асосланган.

Қуйида Люй Шусяннинг “Очерк грамматики китайского языка” рисоласида хитой тилида мажхул нисбатли гаплар таҳлилини кўриб чиқсак. Люй Шусян мажхул нисбатли гапларнинг “пассив конструкцияли гаплар” термини билан изоҳлайди. Ҳозирги хитой тилида маълум гуруҳ феъллар мавжудки, уларнинг семантик маъноларининг ўзи ҳам мажхулликни ифодалайди. Шундай феъллар гуруҳига 受 shòu қабул қилмоқ, олмоқ, 挨 āi азият чекмоқ, дучор бўлмоқ, 让 ràng дучор бўлмоқ каби феълларни киритган. Ушбу феъллар гапда қўлланилишига кўра мажхул нисбат маъносини ифодалайди. Масалан:

他挨了他哥哥一顿骂。 Tā āile tā gēge yí dùn mà.

У акасининг уришишига дучор бўлди.

Мазкур гапда ҳаракат ҳисоб сўз иштирокидаги субстантив феъл¹⁸ ёрдамида ифодаланган. Агар ушбу гапни синтактик жиҳатдан тузилишини бироз ўзгартирсак ва гапни мажхул нисбатни ифодаловчи олд кўмакчи 被 билан ифода этадиган бўлсак, гапда иштирок этган 被 bèi олд кўмакчи вазифасида эмас, балки худди 挨 āi маъносини ифодалаб келади.

她被他哥哥挨了一顿骂。 Tā bèi tā gēge āile yí dùn mà.

У ўз акаси томонидан уришишга дучор бўлди.

Бундан ташқари ҳозирги хитой тилида мажхул нисбатни ифодалашда 叫 jiào ва 让 ràng каби сўзларидан ҳам фойдаланилади. Люй Шусяннинг тадқиқотларига таяниб изоҳласак, Пекин диалектининг оғзаки шевасида мажхул нисбатли гапларда асосан 让 ràng сўзи кўп қўлланилади¹⁹.

Масалан:

好像活人得叫死人管着似的。 Hǎoxiàng huóréndé jiào sǐrén guǎnzhe shìde . Худди тириклар марҳумлар томонидан бошқариладигандек.

这话偏生又让我听见了。 Zhèhuà piānshēng yòu ràngwǒ tīngjiànle.

¹⁸Хитой тилида ҳаракат миқдорини ифодаловчи ҳисоб сўзлар мавжуд бўлиб, мазкур ҳисоб сўзлар билан ишлатилган феъллар субстантив феъл,- деб аталади. 吕叔湘. 中国文法要略。一九六七年，第87 –页。

¹⁹吕叔湘. 中国文法要略。一九六一年。第 88-页

Бу сўзларни мен беҳосдан яна эшитиб қолдим.

Люй Шусян хитой тили грамматикасига оид тадқиқотида тадқиқот объекти сифатида вэнянни олган. Унинг эътироф этишича, вэнянда ҳам 被 олд кўмакчиси қўлланилган, бироқ ҳозирги мажхул нисбатни ифодалагани каби эмас. 被bèi сўзи ва феълнинг орасида асосий сўз ишлатилиши мумкин бўлмаган. Масалан, вэнянда 被刺bèicì қоқиб қўйилмоқ; ёки 被夺bèiduó ўғирланмоқ каби сўз бирикмаларини қўллаш мумкин, бироқ 被奸人刺bèijiānrénсì қароқчилар томонидан қоқиб қўйилмоқ ёки 被强者夺bèiqiángzhěduó ўғрилар томонидан ўғирланди, деб ифодалаш синтактик нуқтаи назардан тўғри бўлмаган.

Шунингдек, Люй Шусян, вэнянда мажхул нисбатни ифодалаш учун 被bèi олд кўмакчиси ўрнига бир қанча айнан шу семантик маънони берувчи аналогик сўзларни келтириб ўтади. Булар, 见jian, 受shou каби сўзларидир. 见jian, 受shou каби сўзлари билан ифодаланган мажхул нисбатли гапларда 於yu олд кўмакчиси кўп учрайди. Мазкур олд кўмакчи мажхул нисбатни ифодаловчи 见jian, 受shou дан кейин, тўлдирувчидан олдин қўлланилган. Мажхул нисбатни ифодаловчи 见, 受 иштирокидаги гаплар қуйидаги схема асосида тузилган:

Тўлдирувчи + 见jian(受shou, 被bei) + 於yu + феъл

Масалан:

吾常见笑於大方之家。Wúcháng jiànxiào yūdàfāng zhījiā.

Мен Буюк Тартиб билимдонлари томонидан тез-тез мазах қилинардим.

循法守正者见侮於世。Xúnfǎ shǒuzhèngzhě jiànwǔ yǔshì.

Қонунга бўйсунган ва адолатга риоя қилган қайси одам, ўз замондошлари томонидан озор чекади.

Айрим гапларда 见jian, 受shou, 被bei олд кўмакчилари иштирок этмасада, лекин феълдан кейин 於yū келган бўлса ҳам, мазкур гаплар мажхул нисбатни ифодалаган.

Масалан:

善战者致人，不致於人。Shànzhànzhězhìrén, búzhìyú rén.

Кимки жанг олиб бориш маҳоратига эга бўлса, рақибни ҳаракатланишга мажбур қилади, бироқ рақибига ўзини ҳаракатлантиришига йўл қўймайди.

1.3 Ҳозирги хитой тилида мажҳул нисбатли гапларнинг рус тилшунослари томонидан ўрганилганлиги

Ҳозирги хитой тилида мажҳул нисбатли гаплар рус тилшунослигида бир қатор йирик тилшунос олимлар томонидан ўрганилган, жумладан, Шутова В.А.нинг “Синтаксис современного китайского языка”, Драгунов А.А.нинг “Грамматическая система современного китайского разговорного языка”, Гуревич И.С.нинг “Очерк грамматики китайского языка III-V веков”, 1974., Горелов В.И.нинг “Стилистика современного китайского языка”, Никитина Т.Н.нинг «Функциональные подклассы глаголов в современном китайском языке», Яхонтов С.Е.нинг «Древнекитайский язык» .

Юқорида таъкидлаб ўтилган адабиётлардан асосан хитой тили грамматикаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўламиз. Булардан ташқари замонавий тилшунослардан бири Бочина Татьяна Геннадьевна ўзининг “Функционально когнитивные особенности выражения пассива в русском и китайском языках» номли мақоласида рус ва хитой тилидаги мажҳул нисбатли гаплар ҳақида сўз юритади. Ушбу мақолада у рус ва хитой тилидаги мажҳул нисбатни ифода этувчи воситаларни чоғиштира таҳлил қилган. Мазкур мақолада Бочина Т.Г. типологик таснифга кўра мажҳул нисбатли гапларнинг маркерларланиш усуллари, маркерларнинг турлари ва тоифалари ҳақида батафсил маълумот беради. Рус тили ва хитой тилида мажҳул нисбат пассив конструкцияларнинг ифода этиш хусусиятларини изоҳлайди ва тегишли хулосалар келтиради. Ҳар икки тилда ҳам пассив конструкцияларнинг семантик маъно мазмунини таҳлилга тортади.

Бочина Т.Г.нинг хулосаларига кўра, рус ва хитой тилларида мажҳул нисбатли гапларнинг асосий фарқи шундаки, феълнинг мажҳул нисбати рус тилида лексик грамматик категорияга мансуб бўлиб, мажҳул нисбат ҳам морфологик ҳам синтактик соҳада ифодаланиши мумкин. Бироқ, хитой тили изоляцияловчи тилларга мансублиги боис, унда феълнинг

нисбати мавжуд эмас, хитой тилида сўз бир морфемадан иборат бўлиб, ўзининг шаклини ўзгартириш хусусиятига эга эмас. Хитой тилида мажхул нисбат тўлиқ синтактик категорияга мансублиги сабабли, унинг тадқиқоти синтактик соҳада олиб борилганлигини эътироф этади.

Е.Товянскаянинг “Прагматическая функция пассивных конструкций bei в современном китайском языке” номли мақоласида ҳам ҳозирги хитой тилида мажхул нисбатли гапларнинг грамматик ва синтактик хусусиятлари ўрганилган бўлиб, унда муаллиф асосан ҳозирги хитой тилидаги мажхул нисбатнинг ижобий ёки салбий маъноларини ўрганган. Унинг хулосаларига кўра, ҳозирги хитой тилида пассив конструкцияли гапларга оид таҳлилга тортилган материалнинг қарийиб 51 фоизи салбий маънони, 38 фоизи нейтрал ва 11 фоизи ижобий маъноларни англатади деб эътироф этади.

Тиллар типологияси соҳасида тадқиқотларда унинг бу хулосалари ўзининг тасдиғини топганлигини таъкидлайди. Хитой-тибет тиллар оиласига мансуб тилларда мажхул нисбат асосан фикр билдирувчининг бирон воқеа ҳодисага нисбатан салбий муносабатини ифода этади.

被 мажхул нисбатли гапларнинг яна бир маъноси, гапда икки томондан бири келтириб чиқарган негатив натижани билдириб келади ва бу натижага икки томон ҳам ўз эътиборини қаратиб турганини ифодайди. Шу каби ҳолатларда эгадан кейин 补语 búyǔ²⁰ ишлатилиш ҳолати кузатилади.

小王被他们赶走了。Xiǎowáng bèitāmen gǎnzǒule.

Сяо Ван улар томонидан қувиб юборилди.

小王被人打了几十下。Xiǎowáng bèirén dǎle jǐshíxià.

Сяо Ван кимдир томонидан йиқитилди.

²⁰Маълумки, хитой тили грамматикаси бошқа тилларнинг грамматик тизимидан кескин фарқ қилади. Ўзбек тилида гапнинг иккинчи даражали бўлақларини аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол ташкил этса, хитой тилида ушбу гап бўлақларидан ташқари яна 补语 – bǔyǔ бўлаги ҳам мавжуддир. 补语 – bǔyǔ ҳаракатнинг натижаси, миқдори, даражаси, йўналишини изоҳлаб, тўлдириб келадиган иккинчи даражали бўлақдир. А.А. Каримов Хитой тилининг асосий грамматик бирликлари. Т., 2001 й. 50 б.

他被人从泥潭中救了上来。Tā bèirén cóngní tán zhōngjiù le shàng lái.

Сяо Ван ботқоқликдан олиб чиқилди.

他的胳膊被人生生地扭断了。Tā de gēbo bèirén shēngshēng dì niǔduàn le . Унинг тирсаги кимдир томонидан қайилтириб синдирилди.

Иш ҳаракатнинг маъно жихатидан айнан эга томонидан содир этилганлигини билдиради. Феъл кесим ифодалаб келаётган ҳаракатнинг ўрни, ва унинг боғланиб келиш ва ташкил қилиш омили айнан 被 bèi мажҳул нисбатли гапларга бориб тақалади. Эга келтириб чиқарган натижа сабабли эгада ўзгариш бўлиши кузатилади, бу жараён маълум бир натижа, янги ҳолатни келтириб чиқаради. Масалан:

小王被人打伤了。Xiǎowáng bèi rén dǎ shāngle.

Сяо Ван калтакланиб жароҳатланди.

小王被蛇咬了一口。Xiǎowáng bèishé yǎo le yìkǒu.

Сяо Ванни илон чақиб олди.

小王被偷了一百元。Xiǎowáng bèitōu le yìbǎiyuán.

Сяо Ваннинг 100 юан пули ўғирланди.

小王被雪滑倒了。Xiǎowáng bèixuě huá dǎo le.

Сяо Ван қорда сирпаниб йиқилди.

小王被骗了。Xiǎowáng bèi piàn le. Сяо Ван алданди.

Баъзида 被 bèi олд кўмакчиси иштирокидаги мажҳул нисбатли гаплар турли маъноларни, жумладан, ижобий, салбий, нейтрал маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади, баъзида эса эгага нисбатан инкор, умидсизлик маъносини ҳам ифодалаб келиши мумкин. Масалан:

钱被偷走了。Qián bèi tōu zǒu le. Пул ўғирланди.

本台消息，本市许多道路被洪水冲垮。

Běntáixiāoxi, běnshì xǔduō dàolù bèi hóngshuǐ chōngkuǎ.

Мазкур шаҳарнинг кўпгина йўллари сув тошқинидан барбод этилди.

小王被调走了。Xiǎowáng bèidiào zǒu le.

Сяо Ван бошқа ишга ўтказилди.

小王被吸收入党了。Xiǎowáng bèixīshōurù dǎngle.

Сяо Ван партияга киритилди.

他被人从洪水中救了上来。Tā bèirén cóng hóngshuǐ zhōng jiùleshànglái.

У (бир киши томонидан) сув тошқинидан қутқариб қолинди.

小王被小李爱上了。Xiǎowáng bèi Xiǎolǐ àishàngle.

Сяо Ванни Сяо Ли ёқтириб қолди.

快餐逐渐被中国人喜欢。Kuàicān zhújiàn bèizhōngguórén xǐhuan 。

Хитойликлар фаст-футни аста секин ёқтириб қолдилар.

这样的作品很难被人理解和接受。

Zhèyàng de zuò pǐn hěnnán bèirén lǐjiě hé jiēshòu.

Бу каби асарлар одамлар тарафидан қабул қилиниши жуда қийин.

这本书被重印了。Zhèběn shū bèi chóngyìnle. Бу китоб қайта нашр этилди.

Рус, англиз ва хитой тилларида 被 bei олд кўмакчиси иштирокидаги пассив конструкцияли маркерларнинг таҳлили натижаси сифатида Е.Товьянская нафақат воситаларнинг ишлатилишидаги айрим тафовутларни кўрсатиб ўтади, балки, уларнинг қўлланилишидаги айрим фарқларни ҳам изоҳлаб беради. Унинг эътироф этишича, пассив конструкцияли мажҳул нисбатли гаплар рус ва англиз тилларида кўпроқ қўлланилиб, хитой тилида эса аксинча, пассив конструкцияли мажҳул нисбатли гаплар қўлланилиши нисбатан камроқ. Рус, англиз ва хитой тилларида мажҳул нисбатли гапларнинг қўлланилишидаги асосий фарқини мауллиф рус ва англиз тилида мажҳул нисбатли гаплар асосан нейтрал маънодаги гаплар бўлиб, фақатгина нутқнинг стилистикасига таъсирида бўлишини, хитой тилида эса 被 bei олд кўмакчиси гапирувчининг бирон бир воқеа ҳодисага нисбатан субъектив муносабатини ифодалашда ишлатилади деб эътироф этади.

Шунингдек, хитой тилида мажхул нисбатли гаплар стилистик нуқтаи назардан бу каби кўрсаткичларга эга эмас.

Е.Товянская ўзнинг мақоласида рус ва хитой тилларида мажхул нисбатли гапларнинг стилистик хусусиятларини қуйидаги жадвал орқали ифода этади²¹:

	Китобнинг номи	Гапларнинг сони	Пассив конструкцияларнинг умумий сони	Фоиздаги нисбати
Хитой тилидаги илмий адабиёт	Металларга ишлов бериш технологияси	1884	17	0.90%
	Физика	630	8	1.30%
Рус тилидаги илмий адабиёт	Кимё	1240	230	18.51%
	Электр муҳандислик назариясига кириш	760	100	13.16%

Биринчи боб бўйича хулосалар. Хозирги хитой тили грамматикаси ва унинг шаклланиш босқичлари ҳамда хитой тили грамматикаси фанининг ривожини ўрганар эканмиз, қуйидаги хулосаларни келтириб ўтишимиз мумкин. Хозирги хитой тили грамматикаси мумтоз хитой тили анъаналарини ўз ичига қамраб олган, асосан иероглифларнинг талқини билан изоҳланган тавсифий мулоҳазалар билан йўғрилган хитой тили тарихи давомида нисбатан янги фан ҳисобланади. Хозирги хитой тили грамматикасини яратишда бир қатор хитой тилшуносларининг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Хусусан, Ван Ли, Люй Шусян, Лу Чживэй, Мя Дзянчжун ва х.к. Ушбу тилшуносларнинг илмий ишлари

²¹ Е. Товянская. Прагматическая функция пассивных конструкций *bei* в современном китайском языке. // Типология пассивных конструкций. Диатезы и залоги. Холодович А.А. (ред.) Ленинград, 2014.

негизда асосан европа тилшуносларининг тилшунослик фанига оид назарий қарашлари пойдевор вазифасини ўтайди.

Хозирги хитой тили грамматикасида асосий муаммо сифатида сўзларни сўз туркумларига ажратиш масаласи аниқ ечимга мухтождир. Юқорида келтириб ўтган далилий фикрларимиздан шуни эътироф этишимиз мумкинки, ҳар бир тилшунос ушбу масалага ўз нуқтаи назаридан ёндошиб, ўзининг катъий фикрларини эътироф этади. Мазкур масала юзасидан ҳали ҳамон баҳс ва мунозалар тугал ечимини топмаган.

Хозирги хитой тилида сўз туркумлари асосан икки катта гуруҳга тақсимланган бўлиб, мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларига ажратилади. Феъл сўз туркуми мустақил сўз туркумлари сирасига кириб, ҳар қандай тилда бўлгани каби феълнинг нисбатлари ҳам мавжуддир. Хозирги хитой тилида феълнинг мажҳул нисбати 被字句 bèizìjù термини билан юритилади. Хитой тилида феъл замон ва шахсда тусланмайди. Хозирги хитой тилида ҳам феълларнинг нисбати, бўлишли ва бўлишсиз, ўтимли ва ўтимсиз шакллари мавжуддир. Хитой тилида феълнинг мажҳул нисбатни ифодаловчи бир қанча усуллар мавжуд бўлиб, қуйидаги боб ва параграфларда ушбу усулларнинг семантик ва грамматик маъно моҳиятларини атрофлича таҳлилга тортамыз.

II БОБ. ХИТОЙ ТИЛИДА МАЖҲУЛ НИСБАТНИНГ 被 ОЛД КЎМАКЧИСИ БИЛАН ИФОДАЛАНИШИ

2.1. Қадимги хитой тилида 被 маъносини англатувчи ёрдамчи

сўзлар

Қадимги хитой тилида мажҳул нисбатни ифодалашда бир қанча усуллар мавжуд бўлган. Қуйидаги мисолар орқали мумтоз хитой тилида ёзилган асарлардан танлаб олинган мисоллар орқали мажҳул нисбат семантикасини ифодаловчи гаплар таҳлилини келтириб ўтсак.

Қадимги хитой тилида 于 уи олд кўмакчисининг гапда қўлланилиши орқали иш ҳаракатнинг бажарувчиси ажратиб кўрсатилган²². Масалан:

《左传。成公二年》：“郤克伤于矢。”(郤克: 人名。)

《Zuozhuan . Chenggong er nian》：“Xike shang yu shi。”(Xike: renming。)

Ушба гапнинг бевосита таржимаси ва таҳлилига тўхталадиган бўлсак, мазкур гап Zuozhuanнинг “Chenggong er nian” номли асаридан олинган бўлиб, “Сюйке камоқ ўқидан жароҳатланди” тарзида таржима қилинади. Бунда 于 олд кўмакчиси иш ҳаракат қай восита орқали бажарилганлигини ифодалаб келган. Яъни, Сюйкенинг жароҳати камон ўқидан орттирилганлигини ифодалаб келган²³.

“古汉语常用字字典” да 于 уи олд кўмакчисининг бир қанча маъноларини кўриб чиқишимиз мумкин:

1. Иш ҳаракатнинг содир этилган жойи, вақти ва объектини ажратиб кўрсатади. Таржимада 在 zai, 到 dao, 向 xiang, 从 cong, 对于 duiyu маъноларини бериши мумкин;
2. Гапда қиёслаш маъносини англатиб, “бирор нарсадан кўра”, “ўта” маъносини англатади

²²高守纲著. 古代汉语词义通论. —北京: 语文出版社, 1994.

²³王力. 古汉语常用字字典 (第4版). 商务印书馆出版. 南京. 2008年, 558页

3. Мажхул нисбатни ифодалаб, гапда иш харакатнинг содир этувчисини ажратиб кўрсатади²⁴.

于 уи иероглифи вэнянда 於 уи кўринишида ёзилган. 于 уи ушбу иероглифнинг соддалаштирилган шаклидир.

Мажхул нисбатни ифодаланишига оид яна бир мисолда феълдан олдин 见 jian сўзининг қўлланилганлигини кўрамиз. Бизга маълумки, ҳозирги хитой тилида 见 jian феъли кўрмоқ маъносини билдиради. Бироқ, манбаъларга мурожаат қилсак, ушбу сўз гапда ифодалаган семантикасига кўра мажхул нисбатни ҳам ифода этиши мумкинлигини кўрамиз.

Масалан:

《孟子。尽心下》：“盆成括见杀。”（盆成括被杀。）

《Mengzi 。Jinxinxia》：“Pen Chenggua jian sha。”（Pen Cheng gua bei sha）

《Mengzi 。Jinxinxia》：“Pen Chenggua ўлдирилди.”

“古汉语常用字字典”да ушбу сўзни кўпгина маъноларни англатганлигини, жумладан феълнинг мажхул нисбатини ҳам англатишини кўришимиз мумкин.

1. Кўрмоқ;
2. Нуқтаи назар, қараш;
3. Мажхул нисбат маъносининг англатиб келиши мумкин;
4. Рўёбга чиқармоқ, ошкор қилмоқ каби маъноларни англатиб келган.

Қадимги хитой тилида мажхул нисбатли гаплар 被 bei олд кўмакчиси билан ифодаланганини жуда кам учратамиз. Мажхул нисбатли гаплар таркибидаги феъллар актив (主动 zhudong) ва пасив (被动 beidong) маъноларни ифодалаган, шунинг учун актив феъллар гапнинг тузилишига кўра пасив маънони ҳам ифодалаган. Бундай гапларни асосан, “意念上的

²⁴古汉语常用字字典（第4版）。商务印书馆出版。北京。2008年，470页

被动句” yinianshangde beidongju, яъни, маъноси жиҳатидан мажҳул гаплар деб эътироф эта оламиз. Баъзан, айрим гапларда феълнинг актив ёки пассив маъносини бир қарашдан ажратиб олиш мушкул, унинг қайси нисбатга мансублигини фақатгина контекстдан келиб чиқиб аниқлашимиз мумкин²⁵.

Ҳозирги хитой тилида мажҳул нисбатни ифода этувчи воситалардан 被 bei олд кўмакчиси кўп қўлланилсада, бироқ, мумтоз хитой тилида ушбу усул жуда кам учрайди. Қадимги хитой тилида асосан мажҳул нисбатни ифода этишда гапнинг синтактик тузилиши муҳим аҳамият касб этган, адабий тилда эса асосан 为....所 bei....suo, 被....所 bei....suo ёки 由....所 you.....suo, 收 所 shou.....suo конструкцияларидан фойдаланилган. Масалан:

同学们深深地被老人的话所感动, 决心好好学习。

Tongxuemen shengshengde bei laorende hua suo gandong, juexin haohao xuexi. Ўқувчилар қариянинг гапиларидан таъсирланиб, яхши ўқишга қарор қилдилар.

局势的发展是由这种因素所决定的。

Jushide fazhan shi you zhezhong yinsu suo juedingde.

Вазиятнинг ривожига мана шу каби омиллардан аниқланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қадимги хитой адабиётида мажҳул нисбатли гаплар семантикаси воситали ва воситасиз, яъни гапда иштирок этувчи сўзларнинг синтактик жойлашувига асосан мажҳул нисбатни ифодалаган. Мажҳул нисбат воситаси сифатида 于 у, 见 jian каби сўзлар олд кўмакчи вазифасида қўлланилган. Бундан ташқари, қадимги хитой тилида 为....所 wei.....suo, 被....所 bei....suo ёки 由....所 you.....suo, 收....所 shou.....suo конструкцияларини ҳам мажҳул нисбат маъносини англатувчи воситалар сифатида эътироф этишимиз мумкин. Мумтоз адабиёт

²⁵王力.古汉语常用字字典.商务印书馆出版.南京 2008 年, 568 页, 第 558 页

намуналарида айрим феълларнинг нисбатини фақатгина контекст орқали аниқлаш мумкин.

2.2. Замонавий хитой тилида 被 bei ва унинг грамматик хусусиятлари

Феълда иш ҳаракатнинг бажарувчиси (субъекти) билан предмети (объекти) орасидаги ёки бир неча бажарувчи (субъектлар) орасидаги муносабатнинг ифодаланишига **феъл нисбати** дейилади.

Феъл нисбати махсус грамматик воситалар ёрдамида ясалади. Бу воситалар феълнинг маъносини тамомила ўзгартирмайди. Балки унга кўшимча маъно кўшади. Ана шу кўшимча маънолар гап қурилишининг қандай бўлишини билдириб туради. Эга ва бўлдирувчининг қандай ифодаланиши, қандай шакл ва маънода бирикиши феъл нисбатининг маъноси билан боғланади. Масалан: ишла – эганинг ўзи бажарадиган ҳаракат, аммо ишлат – тўлдирувчи бажарадиган ҳаракат, яса – бирор нарсани вужудга келтириш ҳаракати, аммо ясан – эганинг ўзида янги ҳолат вужудга келтирадиган ҳаракатдир.

Феълда бешта нисбат бор.

1. Аниқ нисбат
2. Ўзлик нисбати
3. Мажхуллик нисбати
4. Биргалик нисбати
5. Орттирма нисбат

Аниқ нисбат. Бу формадаги феълда ҳаракат эга томонидан бажарилади, тўлдирувчи эса ҳаракатнинг объекти бўлади. Гапнинг бундай қурилиши **актив конструкция** дейилади. Масалан: Алишер модель ясади.

Ўзлик нисбати. Бунда ҳаракатнинг субъекти билан объекти бир шахснинг ўзи бўлади: таран, сиқил каби.

Мажхуллик нисбати. Бунда ҳаракат тўлдирувчи англатган предмет томонидан бажарилиб, эгага ўтади ёки ҳақиқий бажарувчи номаълум бўлади.

Кесими мажхуллик нисбатидаги феъл билан ифодаланган гап қурилиши **пассив конструкция** дейилади: олинди, ёзилди.

Биргалик нисбати. Бунда ҳаракат бир неча шахс (субъект) томонидан биргаликда бажарилади. Ҳаракатни бажаришда субъектлар баравар иштирок этишини ифодалайди: тўплашди, артишти

Орттирма нисбат. Бир субъектнинг ўз ҳаракатини бошқа субъектнинг таъсири натижасида бажаришини ёки аслида ўтимсиз бўлган ҳаракатнинг предметга ўтишини ифодалайдиган феъл формасидир: ювинтир, ёздир.

Биринчи ҳолатда асосий субъект (бажарувчи) ва иккинчи даражали (ёки ёрдамчи) субъект мавжуд бўлиб, асосий субъект воситали тўлдирувчи, иккинчи даражали субъект эса эга бўлади. Иккинчи даражали субъектнинг ҳаракати анча умумий, мавҳум бўлади. Ўқитувчи бизга янги китоблар кўрсатди. Кўриш ҳаракати бунда тўлдирувчи (биз) томонидан бажарилган бўлиб, эга (ўқитувчи) кўриш ҳаракатининг бажарилишида таъсир қилувчи воситадир. Иккинчи ҳолатда эса фақат бир субъект мавжуд бўлиб, унинг ҳаракати объектга ўтади. У китоб келтирди каби.

Ҳозирги хитой тилида мажҳул нисбат 被 bei олд кўмакчиси воситасида ифодаланади²⁶. Мажҳул нисбатли гаплар 被字句 beiziju термини билан юритилади. Мажҳул нисбатдаги гаплар қуйидаги схема бўйича тузилади.

Ҳаракат объекти 受事者 Shoushizhi	被 олд кўмакчиси 介词被 Jieci bei	Ҳаракат субъекти 施事者 Shishizhi	Феъл 动词 Dongci	Гапнинг бошқа элементлари (объектнинг ҳаракат натижаси ёки таъсири)后附成分 (对人, 事物的影响或结果) houfu chengfen (duiren, shiwu de yingxiang huo jieguo)
Эга 主语 zhuyu	Ҳол 状语 zhuangyu		Кесим 谓语 weiyu	
那块肉	被	狗	吃	了。le - Анави бўлак гўшт кучук

²⁶外国人实用汉语语法。北京语言大学出版社，2008年，471页。

Nakuai rou	bei	gou	chi	томонидан ейилди.
我 Wo	被 bei	那个公 司 nage gongsi	取 qu	了 le- Мен у фирма томонидан қабул қилиндим.
数码相机 Shuma xiangji	被 bei	母亲 muqin	带 dai	出去了 chuqule- Рақамли фотоаппарат онам томонидан олиб чиқилди.

Маълумки, дунёнинг барча тилларда мажхул нисбат икки турга бўлинади: мажхуллик маркери воситаси ва ушбу воситасиз, яъни семантик мазмунга кўра мажхул нисбат. Мажхулликни ифода этувчи воситалар ўз ичига морфологик ёки лексик маркерлар (олд кўмакчилар ва ёрдамчи сўзлар)ни олади. Бундай конструкциялар феълнинг морфологик ўзгариши ёки ёрдамчи лексемаларни қўшилиши билан ифода этилади²⁷. Масалан:

如果是指被介绍到国外，那么压根中国文学就是世界文学的一部分。

Агар мамлакатдан ташқарига етказилса эди, унда Хитой адабиёти дунё адабиётининг бир қисми бўлар эди.

Юқоридаги гапда мажхул нисбат 被 олд кўмакчиси иштирокида ифодаланган.

更重要的是生态失去平衡，人类将会遭灭。Энг муҳими экологик мувозанатнинг бузилишидан одамзод келажакда йўқолиб кетиши мумкин. Ушбу гапда эса мажхул нисбат 遭 зао “учрамоқ, дучор бўлмоқ” феъли билан ифода этилган.

²⁷ Бочина Т.Г. Функционально-когнитивные особенности выражения пассива в русском и китайском языках//Филология и культура. 2013. №4(34).-Стр.37

Мажхул нисбат – пассив конструкцияга эксплицит²⁸ ифода этувчи воситаларга, мажхуллик морфологик ёки лексик усул билан эмас, балки синтактик йўл билан, яъни гапда сўзларнинг тартиби ўзгарган ҳолда ифода этиладиган имплицит²⁹ пассив конструкциялар қарши туради.

Қуйидаги мисолларда мажхул нисбатнинг семантик маъносини гапда сўзларнинг инверт³⁰ тартиби орқали англаш мумкин. Масалан:

马克思写文章没有钱买纸，文章写好了又没有钱邮寄。

Майк мақолани ёзиб бўлдию, лекин қоғоз сотиб олишга пули йўқ, мақола ёзиб бўлинди, бироқ уни редакцияга юборишга пул йўқ. Бунда гап таркибидаги сўзларнинг тўғри тартиби мажхул нисбатни ифодалайди.

马克思写文章没有钱买纸，写好了文章又没有钱邮寄。 Майк мақолани ёзиб бўлдию, лекин қоғоз сотиб олишга пули йўқ, у мақолани ёзиб бўлди, бироқ редакцияга юборишга пули йўқ.

Мажхул нисбатнинг пассив конструкцияларининг хусусиятлари ҳар бир тилнинг турига хосдир. Инсон тили универсаллиги назариясига кўра, изоляцияланган тиллар сирасига кирувчи хитой–тибет тилларида мажхулликни лексик маркерланган усулда, ёки маркерланмаган усул билан ифода этиш имконияти мавжуд. Тилларнинг типологик бўлинишига кўра флексив ва алгглютинатив типига мансуб тилларда мажхул нисбат морфологик воситалар билан ифода этилса, хитой–тибет тилларида сўзларнинг жойлашуви SVO³¹ тартибида бўлиб, мажхул нисбат маҳсус олд кўмакчилар воситаси билан ифода этилади.

²⁸Эксплицит – тилшносликка оид термин, *explicite* француз тилидан олинган бўлиб, аниқ ифода этилган деган маънони англатади. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. М.; Просвещение 1976. 543 с.- 535 стр.

²⁹Имплицит – тилшносликка оид термин, *implicite* француз тилидан олинган бўлиб, мавҳум, яширин маънони англатувчи тушунчаларини англатади. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. М.; Просвещение 1976. 543 с.- 121 стр.

³⁰Инверсия – тилшносликка оид термин бўлиб, латинча *inversion*, ўзгартириш деган маънони англатади. Инверсияда гапнинг маъно мазмунини янада кучайтириш мақсадида ноанъанавий тарзда гап таркиби ўзгартирилади. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. М.; Просвещение 1976. 543 с.- 128 стр.

³¹Бунда S subject–эга, V verb– феъл, O object– тўлдирувчи. Xiao R., McEnery T. & Qian Y. Passive Constructions in English and Chinese: A Corpus-based Contrastive Study // Languages in Contrast, 2006, № 6.

Тилшуносликда хитой тилидаги гап таркибида сўзларнинг жойлашув тартибига оид бир қанча қарашлар мавжуд. Ҳозирги кунда кўпчилик тилшунослар хитой тилида гап сўзларнинг SVO тартибида жойлашуви билан тузилади, бироқ SOV тартибида ҳам сўзларнинг жойлашуви билан гап тизилиши мумкин, деб таъкидлайдилар. Шунинг учун хитой тилида мажҳул нисбатни ифода этишнинг икки асосий усули, яъни ёрдамчи морфемалар (олд кўмакчилар ва десемантизациялашган феъллар³²) 被 bei, 叫 jiao, 让 rang, 给 gei, 为 wei, 由 you, 被....所 bei....suo, 为....所 wei....suo, 让....给 rang....gei каби грамматик воситалар ҳамда 受 shou, 挨 ai, 遭 zao каби ёрдамчи феъллар иштирокида ифодаланиши мумкин³³.

Масалан:

Олд кўмакчилар воситаси билан	Мазмунига кўра мажҳул нисбатли гаплар
他被欺骗了。Ta bei qipianle. У алданди.	传真发了。Chuanzhen fa le. Факс жўнатилди.
桌子上的文件没被人动过。Zhuozi shangde wenjian mei bei ren dongguo. Стол устидаги хужжатларга тегилмаган.	鼠标换好了。Shubiao huan haole. Сичқонча алмаштирилди.

Хитой тили изоляцияланган тиллар сирасига кирганлиги боис, феълларнинг нисбат категорияси мавжуд эмас. Бунда сўзлар асосан фақатгина бир морфемадан иборат бўлиб, ўзининг шаклини ўзгартириш хусусиятига эга эмас. Хитой тилида мажҳул нисбатнинг ифодаланиши синтактик категорияга мансубдир.

³²Десемантизация (лотинча de – ажратиш, бекор қилиш ва юнончадан semantikos – маъно англатувчи) сўзнинг лексик маъносини йўқотиши. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. М.: Просвещение 1976. 543 с.- 93 С.

³³Ван Цуй, Т.Г.Бочина. Функционально-когнитивные особенности выражения пассива в русском и китайском языках.//Вопросы языкознания. №5. 2008. 102 с.-56 С.

Шундай қилиб, хитой тилида мажҳул нисбат пассив конструкция маркерлари, яъни олд кўмакчилар ва десемантик феъллар иштирокида ифодаланган икки турга ажратилади. Демакки, мажҳул нисбат эксплицит ва имплицит воситалар билан ифода этилади. Қуйида бир қанча мисолларни келтириб ўтсак:

大部分房屋倒塌，许多树木被刮倒。

Хонадонларнинг кўпчилик қисми кулаб, кўпгина дарахтлар қулатилди. Мазкур гапда мажҳул нисбат 被 bei олд кўмакчиси иштирокида ифода этилган.

不少地区因饮用水受污染而受到疾病威胁。

Кўпгина туманлар ичимлик сувининг ифлосланганлиги сабаб, касаллик хавфига дучор бўлмоқда. Ушбу гапда мажҳул нисбат 受 ёрдамчи феъли иштирокида ифода этилган.

我当时（被）吓坏了。我没有别的选择，只有尽量躲开迎面驶来的汽车。 Айни пайтда мен жуда кўрқиб кетган эдим. Менинг бошқа иложим йўқ эди, фақатгина бор кучим билан рўпарамдаги келаётган машинадан қочишка ҳаракат қилардим. Мазкур гапда мажҳул нисбат 被 bei олд кўмакчиси иштирокида ифода этилган.

熄灯号吹响，蜡烛却（被）点燃了。 Чироклар ўчирилиши ҳақидаги сигнал чалинди ва шамлар ёқилди. Мазкур гапда ҳам мажҳул нисбат 被 bei олд кўмакчиси иштирокида ифода этилган бўлиб, олд кўмакчи тушириб қолдирилиши ҳам мумкин.

Ҳозирги хитой тилида мажҳул нисбатнинг икки асосий тури яъни, 有形式标记 wuxing biaooshi термини билан юритилувчи пассив маркер орқали мажҳулликни ифодаловчи ҳамда 意义被动句 yiyi beidongju термини билан юритилувчи маъноси жихатдан мажҳулликни ифодаловчи турлари мавжуд. семантик мажҳул нисбат турлари мавжуддир.

Баъзи ҳолатларда 被 bei мажхул нисбати иштирок етган гапларда 被 bei олд кўмакчиси гапда кўринмаслик ҳолатлари ҳам мавжуд. Унинг ўрнига 叫 jiao, 让 rang, 给 gei, каби олд кўмакчилар қўлланилади, улар гапда 被 мажхул нисбати билан бир ҳил маънони ифодалаб келади.

Мажхул нисбатли гаплар ва 把 ba олд кўмакчиси билан ифодаланган гаплар баъзи ҳолларда гапда қўлланилишига кўра ўзаро мустақил равишда ўрин алмашилиб келади. Масалан:

我们打败了对手。Wǒmen dǎ bài le duì shǒu.

Биз енгдик рақибларни.

我们把对手打败了。Wǒmen bǎ duì shǒu dǎ bài le.

Биз рақибларни енгдик.

对手被我们打败了。Duìshǒu bèi wǒmen dǎ bài le.

Рақиблар биз томондан енгилди, каби.

Ёки яна бир неча мисол орқали изоҳласак:

孩子们吃完了饭。Háizimen chīwánle fàn.

Болалар овқат еб бўлдилар.

孩子们把饭吃完了。Háizimen bǎ fàn chīwánle.

Болалар овқатни еб бўлдилар.

饭被孩子吃完了。Fàn bèi háizichīwánle.

Овқат болалар томонидан еб қўйилди.

Демак, 被 bei олд кўмакчили гапларнинг феъл кесими ишлатилиш ҳолатлари 把 балик гапларга қараганда кенг қамровли саналади.

被 bei мажхул нисбатли гапларнинг феъл кесими асосан ҳиссиёт, англаш, идрок қилиш билан боғлиқ ҳолатларда яққол намоён бўлади ва 被 bei олд кўмакчили феъллар қўлланилган кесимли гаплар ҳисобланади. Масалан:

小王被小李喜欢上了。Xiǎowáng bèi xiǎolǐ xǐhuānshàngle.

Сяо Лини Сяо Ван ёктириб қолди

他的意图已经被我们感觉到了。Tāde yìtú yǐjīng bèi wǒmen gǎnjuédaole.

Унинг ҳиссиётларини биз сездик.

他的行踪被特务知道了。Tā de xíngzōng bèi tè wùzhīdaole.

Унинг жойлашуви (қаердалиги) махсус вазифа орқали аниқланди.

Бироқ барча ҳиссиёт ва идрок қилиш билан боғлиқ феълларда 被 bei олд кўмакчисидан фойдаланилмайди. 被 bei олд кўмакчиси билан куйидаги феълларни қўллаб бўлмайди:

Боғловчи феъллари: 是 shì, 有 yǒu, 没有 méiyǒu, 像 xiàng, 姓 xìng, 等于 dēngyǔ, 属于 shǔyǔ, 意味着 yìweizhe каби сўзлар.

Ёрдамчи феъллар: 能 néng, 会 huì, 可以 kěyǐ, 应 yīng, 应该 yīnggāi ва бошқалар.

Йўналишни ифодаловчи феъллар: 来 lái, 起来 qǐlái, 出 chū, 进来 jìnlái, 上来 shànglái ва бошқалар;

Ҳис ҳаяжонни ифодаловчи феъллар: 懂得 dǒngde, 怕 pà, 生怕 shēngpà, 后悔 hòuhuì, 小心 xiǎoxīn, 妄想 wǎxiàng ва бошқа феъллар.

Ўтимсиз феъллар: 生活 shēngdòng, 劳动 láodòng, 前进 qiánjìn, 死 sǐ, 旅行 lǚxíng ва бошқалар.

Ҳаракатсиз феъллар : 敢于 gǎnyǔ, 勇于 yǒngyǔ, 从事 cóngshì, 免得 miǎnde, 乐得 lède, 懒得 lǎnde, 乐于 lèyǔ, 生于 shēngyǔ, 加以 jiāyǐ, 给予 jǐyǔ, 给以 gěiyǐ, 适合 shìhé, 符合 fúhé, 备有 bèiyǒu, 依从 yīcóng, 遭受 zāoshòu, 遭 zāo, 予以 yǔyǐ ва бошқалар.

Одатда 被 bei олд кўмакчиси иштирок этган гапнинг феъл кесими оддий феъл кесим бўлмайди, кўп холларда икки қисмли феъллардан ташкил топган бўлади. Масалан:

他们没有被土匪收买。

Tāmen méiyǒu bèi tǔfěi shōumǎi.

Улар босқинчилар томонидан сотиб олинмади.

风浪中行航的人随时会被风浪吞噬。Fēnglàng zhōngháng háng de rén suí shí huì bèi fēng làng tūnshì.

Тўфонда қолган одам ҳар дақиқа тўфонга ғарқ бўлиши мумкин.

被 bei мажхул нисбатли гапларнинг кесими албатта мураккаб феъллардан тузилган бўлади. Масалан:

病人被他们不负责任地往地上一丢。

Bìngrén bèitāmen búfùzérèndì wǎngdìshàng yīdiū.

Бемор уларнинг масъулиятсизлигидан ташлаб қўйилди.

他被老板看中了。Tā bèi lǎobǎn kànzhòngle.

У хўжайини томонидан лаёқатли деб топилди.

他被打伤了。Tā bèi dǎ shāngle. У жароҳатланди.

小王被骂了一顿。Xiǎowáng bèi mà le yīdùn. Сяо Ванни уришишди.

地里被种上了粮食。Dì lǐ bèi zhòng shàng le liángshí. Дон махсулотлари ер майдонига экилди.

孩子被老师喊走了一个。Háizi bèi lǎoshī hǎnzǒule yíge. Бола ўқитувчи томонидан чақиртирилди.

Олиш-бериш, аташ-чақиришни ифодаловчи феъллар ёки бирор нарсани турган жойини ифодаловчи феъллардан ташкил топган кесимли гапларда, кесим ўзи билан тўлдирувчини олиб келиши мумкин. Масалан:

《红楼梦》被他借给小王了。“Hóng lóu mèng”bèi tā jiè gěi xiǎo wángle.”Қизил кўшкдаги туш” у томонидан Сяо Ванга берилди.

这种现象被称之为假借。Zhè zhǒng xiàn xiàng bèi chēng zhīwéijiǎjiè.

Бу турдаги кўриниш ўзлаштириш деб аталади.

书全被孩子们放在桌子上了。Shū quán bèi háizimen fàngzài zhuōzǐshàngle. Китоблар болалар томонидан стол устига қўйилди.

被 bei олд кўмакчиси иштирок этган гапларнинг эгаси ўзининг аниқлиги билан ажралиб туради ва иш ҳаракатни бажарувчи шахс ёки предмет экани яққол ифодалайди.

被 bei мажҳул нисбати иштирок этган гапларнинг эгаси аниқлиги, алоқадаги икки томон ҳам иш ҳаракатдан хабардор эканлиги, ёки гапирувчи томонидан қилинган иш икки томонга ҳам маълум эканлиги билан ажаралиб туради. Маълум бир аниқ белгини ифодаламаган феъллар билан келган 被 bei олд кўмакчиси иштирокидаги гапларнинг эгаси аниқ бир шароитни ифодалайди. Масалан:

他一推开门，发现一个人已被警察按到地上。

Tāyītuīkāimén, fā xiàn yí gè rén yǐ bèi jǐng cháàndào.

У эшикни очгани заҳоти, бир киши полиция томонидан ерга ётқизиб ушлаб турилганини кўрди.

开学后，有一名同学被开除了。

Kāixuéhòu, yǒuyī míng tóngxué bèi kāi chúle.

Ўқиш бошланганидан сўнг, бир талаба талабалар сафидан чиқарилди.

星期天他收拾厨房时，一只茶杯被他碎了。

Xīngqītiān tāshōushi chúfángshí, yī zhī chábéi bèi tāsuìle.

Якшанба куни у ошхонани йиғиштираётган пайтда, бир чашкани синдириб юборди.

Бу учта гапдаги 一个人 yigeren, 一名同学 yimingtongxue, 一只茶杯 yizhichabei сўзлари қурулишига кўра аниқ бўлмаса ҳам, лекин семантик маъносига кўра 发现 faxian, 有 you, 打 da сўзларининг ҳаммаси иш ёки ходисани қабул қилиб олувчи саналади.

Эга вазифасида келган сўз одатда мустақил сўз туркумига оид бўлади, улар асосан от ва олмош сўз туркумига мансуб сўзлардир. Феъл сўз туркумига оид сўзлар ҳам бази ҳолатларда эга вазифасида келиши мумкин. Масалан:

勇敢，勤劳，谦虚，被视为人类共有的品质。Yǒnggǎn, qínláo, qiānxū, bèi shì wéi rén lèi gòng yǒu de pǐnzhì. Жасурлик, меҳнатсеварлик ва камтарлик инсониятнинг муҳим хусусиятлари ҳисобланади.

学习被他看成一种负担。Xuéxí bèi tā kàn chéng yìzhǒng fùdān.

Ўқиш у томонидан бир мушкулот деб қаралади.

小王的晋升，他俩之间的平衡被打破了。

Xiǎowángde jìnshēng, tāliǎng zhī jiān de píng héng bèi dǎpòle.

Сяо Ваннинг лавозимда кўтарилиши билан, улар орасидаги мўътадиллик синдирилди.

他要求增加工资被老板看做一种挑畔。

Tā yāo qiú zēng jiā gōng zī bèi lǎo bǎn kànzuò yìzhǒng tiǎoxìn.

Унинг ойлик маошини кўтариш ҳақидаги талаби хўжайиннинг қаршилигига учради.

Лексик жиҳатдан, эга асосан бирор бир иш ҳаракатнинг бажарувчиси ҳисобланади, лекин баъзида вақт, жой, иш қуроли, материал ва шу каби бирликлар ҳам эга вазифасида келиши мумкин. Бунда биз 被 bei олд кўмакчиси иштирок этган гапларда, эга ва мажҳул нисбатли гап тилнинг бошқа лексик бирликлари орқали боғланганини кўрамиз. Масалан:

箱子上被孩子们捆了两道绳子。

Xiāngzǐ shàng bèi háizimen kǔn le liǎng dà shéngzǐ.

Чемоданлар болалар томонидан икки боғич билан боғлаб қўйилди. (箱子上 эга, жойни ифодалаб келган)

绳子被他们捆箱子上了。Shéngzǐ bèi tāmen kǔn xiāngzǐ shàngle.

Боғич болалар томонидан чемоданга боғланди. (эга 绳子 иш қуроли)

他的手被菜刀砍破了。Tā de shǒu bèi cài dāo kǎn pòle.

Унинг қўли сабзавот пичоғи билан кесилди. (эга 他的手 асосий жой, 被 ва 菜刀 боғлаб келувчи иш қуроли)

那块布被他给做成了一套装。

Nà kuài bù bèi tā gěi zuò chéngle yí tàò zhuāng.

Мато у томонидан бир кийимга айлантилди. (эга 那块布 маҳсулот)

Бироқ кўпгина ҳолатларда 被 bei мажҳул нисбатли гаплар иш ҳаракатни бажарувчиси ва қабул қилиб олувчиси алоқада эканлиги кўрсатиб келади.

被 bei олд кўмакчиси иштирок этган гапнинг асосий мақсади иш ҳаракатини содир қилувчи нарса ёки шахсни ифодалаб келиш ёки иш ҳаракати сабабли содир бўлган ҳодисани қабул қилиб олишдир. Масалан:

小王被雪滑倒了。Xiǎowáng bèi xuě huá dǎo le.

Сяо Ван сирпаниб йиқитилди.

他被钉子划破了手指。tā bèi dìngzǐ huá pò le shǒuzhǐ.

Унинг бармоғи игна билан тешилди.

他们被黄河的波涛吸引住了。Tāmen bèi huánghé de bōtāo xī yǐn zhù le.

Улар Хуанхэ дарёсининг тўлқинларидан тортиб олдиндилар.

孩子们被突入其来的打击惊呆了。

Háizimen bèitūrù qí láide dǎjī jīngdǎile.

Болалар тўсатдан бўлган зарбдан кўркувдан қотиб қолдилар.

被 bei мажҳул нисбатли гапларнинг яна бир маъноси, гапда икки томондан бири келтириб чиқарган негатив натижани билдириб келади ва бу натижага икки томон ҳам ўз эътиборини қаратиб турганини ифодлайди.

Шу каби ҳолатларда эгадан кейин 补语³⁴ ишлатилиш ҳолати кузатилади.

小王被他们赶走了。Xiǎowáng bèi tāmen gǎn zǒu le.

Сяо Ван улар томонидан қувиб юборилди.

小王被人打了几十下。Xiǎowáng bèi rén dǎ le jǐ shí xià.

Сяо Ван кимдир томонидан уриб йиқитилди.

³⁴Маълумки, хитой тили грамматикаси бошқа тилларнинг грамматик тизимидан кескин фарқ қилади. Ўзбек тилида гапнинг иккинчи даражали бўлақларини аниқловчи, тўлдирувчи ва ҳол ташкил этса, хитой тилида ушбу гап бўлақларидан ташқари яна 补语 – *bǔ yǔ* бўлаги ҳам мавжуддир. 补语 – *bǔ yǔ* ҳаракатнинг натижаси, миқдори, даражаси, йўналишини изоҳлаб, тўлдириб келадиган иккинчи даражали бўлақдир. А.А. Каримов Хитой тилининг асосий грамматик бирликлари. Т., 2001 й. 50 б.

他被人从泥潭中救了上来。Tā bèi rén cóng ní tánzhōng jiù le hàng lái.

Сяо Ван ботқоқликдан олиб чиқилди.

他的胳膊被人生生地扭断了。Tā de gē bobèi rén shēng shēngdìniǔ duànle. Унинг тирсаги кимдир томонидан қайилтириб синдирилди.

Эга ифодалаб келаётган шахс иш ҳаракатни айнан у томонидан содир етилганлигини билдиради. Эга келтириб чиқарган натижа сабабли эгада ўзгариш бўлиши кузатилади, бу жараён маълум бир натижа, янги ҳолатни, яна маълум бир янги натижани келтириб чиқаради. Кесимнинг мураккаб кесим эканлиги ҳам ноодатий жараён келиб чиқишига таъсир ўтказди³⁵. Масалан:

小王被人打伤了。Xiǎowáng bèi rén dǎ shāngle.

Сяо Ван калтакланиб жароҳатланди.

小王被蛇咬了一口。Xiǎowáng bèi shéyǎo le yìkǒu.

Сяо Ванни илон чақиб олди.

小王被偷了一百元。Xiǎowáng bèi tōu le yī bǎi yuán.

Сяо Ваннинг 100 юан пулиўғирланди.

小王被雪滑倒了。Xiǎowáng bèi xuě huá dǎole.

Сяо Ван сирпаниб йиқилди.

小王被骗了。Xiǎowáng bèi piànle .Сяо Ван алданди.

Иккинчи боб бўйича хулосалар. Ҳозирги хитой тилида мажҳул нисбатнинг икки асосий тури яъни, 有形式标记 wuxing biaoshi термини билан юритилувчи пассив маркер орқали мажҳулликни ифодаловчи ҳамда 意义被动句 yìyì beidongju термини билан юритилувчи маъноси жихатдан мажҳулликни ифодаловчи турлари мавжуд.семантик мажҳул нисбат турлари мавжуддир.

³⁵樊友新从"被就业"看"被"的语用功能[期刊论文]-合肥师范学院学报 2010.

Мажхул нисбатли гаплар 被 bei олд кўмакчиси билан ифодаланади. Мазкур турдаги гапларда кесим феъл билан ифодаланади ва бунда 被 bei пассивликни ифодаловчи маркер сифатида қўлланилади. 被 bei олд кўмакчиси билан биргаликда қуйидаги феълларни бирга қўлаб бўлмайди: боғловчи феъллар; ёрдамчи феъллар; мавхум феъллар; ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи феъллар; ўтимсиз феъллар; ҳаракатсиз мавхум феъллар. 被 bei олд кўмакчиси иштирок этган гапнинг феъл кесими одатда икки бўлакли мураккаб феъллардан ташкил топган бўлади. 被 beiли гаплар кўп ҳолларда жараённинг ноодатий тарзда амалга ошганини ифодалаб келади. Инкор равишлари ва модал феъллар 被 beiдан олдин ишлатилади. Мажхул нисбатли гапларнинг инкор шакли 没 mei инкор равиши билан ифодаланади, гап охирига ҳаракатнинг тугалланган шаклини кўрсатувчи 了 le қўйилмайди.

Ҳозирги хитой тилида мажхул нисбат семантикасини ифодалашда 由 you , 让 rang , 叫 jiao , 给 gei каби олд кўмакчилардан ҳам кенг фойдаланилади. Ушбу олд кўмакчили гаплар билан ифодаланган мажхул нисбатли гаплар асосан оғзаки нутқда кўп учраши билан фарқланади. 由 you олд кўмакчиси иштирокидаги гаплар асосан бирор иш ёки бирор фаолиятга масъул бўлмоқ, кимнингдир масъулияти остида бажариладиган ишларни ифодалашда қўлланилади. Бундай гапларда 由 you олд кўмакчиси шахсни масъулиятли эканлигини кучайтириш учун қўлланилади.

让 rang , 叫 jiao , 给 gei каби олд кўмакчилар мажхул нисбат маъносини ифодалаб келганда, улардан сўнг тўлдирувчининг қўлланилиши шарт.

Гапнинг мазмунига кўра, иш ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум бўлган ҳолларда ёки иш ҳаракатни бажарувчи конкрет кўрсатилмаган бўлса, мажхул нисбат семантикасини ифодалаш учун 叫 jiao , 让 rang ва 给 gei олд кўмакчиларидан кейин 人 ren— одам сўзи қўлланилиши шарт.

Бундай тартибда тузилган гапларда 人 ren кимнингдир томонидан, аллаким томонидан бажарилган иш ҳаракатни ифодалайди.

Мажҳул нисбат семантикасини ифодаловчи 被...所 bei....suo ёки 由....所 you....suo, 收....所 shou....suo конструкцияларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу конструкциялар асосан мумтоз адабиётда мажҳул нисбат семантикасини ифодалашда кенг фойдаланилган. Булардан ташқари 是....的 конструкцияси ҳам баъзи ҳолларда мажҳул нисбат семантикасини ифодалаш учун хизмат қилади.

III БОБ. МАЖХУЛ НИСБАТ СЕМАНТИКАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАР

3.1. Мажхул нисбатни ифодаловчи олд кўмакчиларнинг семантик маънолари

Ҳозирги хитой тилида мажхул нисбат семантикасини ифодалашда 由 you, 让 rang, 叫 jiao, 给 gei каби олд кўмакчилардан ҳам кенг фойдаланилади. Ушбу олд кўмакчилар гаплар билан ифодаланган мажхул нисбатли гаплар асосан оғзаки нутқда кўп учраши билан фарқланади.

Кўмакчилар от, олмош ёки отлашган бирикмадан олдин келиб, ҳаракат ёки ҳолатнинг йўналишини, объектини, жойини, вақтини ва ҳ.к.ни билдириб келади сўз³⁶.

Кўмакчига мисоллар: 从 cong, 往 wang, 在 zai, 由 you, 向 xiang, 对于 duiyu, 关于 guanyu, 比 bi, 把 ba, 连 lian, 除了 chule, 同 tong, 跟 gen, 以 yi, 按照 jiezhaohao, 被 bei, 给 gei, 由于 youyu, 为 wei, 为了 weile, 于 yu, 当 dang, 到 dao.

由 you ва 被 bei олд кўмакчилари ифода этган маънолар бир хилми? Ушбу саволга хитой тилини ўрганган ва хитой тили билан шуғулланувчилар авваломбор “йўқ” деб жавоб берган бўлардилар. Бироқ, айрим хитой тилидаги матнларга ва хитой манбаъларига назар ташлайдиган бўлсак, бу масалага ойдинлик киритишимиз мумкин.

由 you олд кўмакчиси ...дан; дан бошлаб, ...га ўхшаб каби маъноларни англатади.

Хитой тили грамматикасига оид манбаларда 由字句 youziju яъни 由 you олд кўмакчили гапларга қуйидагича таъриф берилади: 由 you олд кўмакчиси иштирокидаги гаплар асосан бирор иш ёки бирор фаолиятга масъул бўлмоқ, кимнингдир масъулияти остида бажариладиган ишларни ифодалашда қўлланилади. Бундай гапларда 由 you олд кўмакчиси шахсни масъулиятли эканлигини кучайтириш учун қўлланилади. Масалан:

³⁶现代汉语词典（第5版）/ 中国社会科学院语言研究所词典编辑室编。-北京：商务印书馆，2005。

水果由阿里来买。

Shuiguo you Ali laimai.

Мевалар Али томонидан олиб келинди.

Ушбу мисолда “мева сотиб олиш”га масъул бўлган шахс айнан Али, бошқа бирон киши эмаслигини ажратиб кўрсатиш учун 由 you олд кўмакчиси ишлатилган. Гапнинг семантик маъносидан мажхул нисбатли гап эканлигини англашимиз мумкин. Гап мақсадли равишда амалга оширилган ишни кўрсатиб келган.

由阿里来买水果。

You Ali laimai shuiguo.

Али томонидан олиб келинган мевалар.

Иш ҳаракат ким томонидан бажарилганлигини ва ушбу иш ҳаракатни ким бажарганлигини ажратиб кўрсатиш учун 由 you олд кўмакчиси қўлланилган.

买水果这件事由阿里来办。

Mai shuoguo zhe jian shi you Ali laiban.

Меваларни сотиб олиш Али томонидан бажарилади.

Мазкур гапда мевалар сотиб олишга масъул бўлган шахс Али эканлиги ажратиб кўрсатилган. Яъни бу ишга Алидан бошқа одам масъул эмаслигини алоҳида кўрсатиш учун 由 you олд кўмакчисидан фойдаланилган. Демак, мажхул нисбат семантикасини ифодалашда 由 you олд кўмакчисидан ҳам фойдаланиш мумкин ва бу билан бирор ишнинг масъул шахсини ажратиб кўрсатилганлиги намоён бўлади³⁷.

Хозирги хитой тили грамматикасига оид манбаларда 由 you олд кўмакчисига қуйидагича таъриф берилади:

1)бирор вақт ёки бирон жойнинг бошланғич нуқтасини ифодалайди, 自, 从 олд кўмакчиларининг маъноларига яқин маъноларни англатади.

Масалан:

³⁷彭小川, 李守纪, 王红著。对外汉语教学语法释疑 201 例。商务印书馆出版。2004 年, 第 212 页。

享有由议员身分而产生的一些特殊的权利。
Xianyou you yiyuan shenfen er chanshengde yixie teshude quanli.
Парламент депутатлари мавқеига хос айрим ўзига хос ҳуқуқларга эга бўлмоқ.

2)меъёрга мувофиқ бўлиш ёки масъулиятга эгаликни, шунингдек ҳаракат субъектини ифодалаб келади. Масалан:

政府由议会产生。Zhengfu you yihui chengshen.
Хукумат парламент томонидан тайинланади;

内阁首脑由国家元首任命。Neige shounao you guojia yuanshou renpin.
Хукумат бошлиғи Президент томонидан тайинланади.

Шу ўринда 由 you олд кўмакчисининг 由..... 组成 you....zucheng ва 由 构成 you....goucheng конструкциялари таркибида қўлланилиши бирон микдордан ташкил топганлигини ифодалаб келишини кўришимиз мумкин.

美国是由 50 个州组成的联邦.

Meiguo shi you 50 ge zhou zuchengde lianbang.

АҚШ 50 та штатдан иборат федерациядир.

国家的立法机关只由一院构成的，称为一院制.

Guojiade lifa jiguan zhi you yi yuan gouchengde, chengwei yiyuan zhi.
Мамлакатнинг қонун қабул қилувчи органи сифатида фақатгина бир палатадан иборат бўлган тизими, бир палатали тизим деб аталади.

Куйидаги гапларнинг маъно мазмунига кўра мажхул нисбатни 由 you ва 被 bei олд кўмакчилари билан ифода этиш усуллари кўриб чиқсак:

1. 昨天老师批评了他一顿。Zuotian laoshi pipingle ta yi dun. Кеча устозимиз уни уришди.

2.昨天他被老师批评了一顿。Zuotian ta bei laoshi pipingle yidun.

Кеча у устозимиз томонидан гап эшитди.

1. 小明，明天的晚会你负责吧。

Xiao Wang, mingtiande wanhui ni fuzeba.

Сиао Ванг, эртанги кечага сен масъулсан.

2. 小王，明天的晚会由你负责吧。

Xiao Wang, mingtiande wanhuiyou ni fuzeba.

Сиао Ванг эртанги кечага масъул сенсан.

1. 他不认真工作，所以公司开除了他。

Ta bu renzheng gongzuo, suoyi gongsi kaichule ta.

У масъулиятсиз ишлайди, шунинг учун фирма уни бўшатиб юборди.

2. 他不认真工作，所以被公司开除了。

Ta bu renzheng gongzuo, suoyi bei gongsi kaichule.

У масъулиятсиз ишлайди, шунинг учун фирма томонидан бўшатилади.

1. 我们商量好了，后天小王提意见，我跟小李负责写申请。

Women shanglianghaole, houtian Xiao Wang ti yijian, wo gen Xiao Li xie shenqing. Биз келишиб олдик, индинга Сиао Ванг фикр билдиради, мен билан Сиао Ли ариза ёзамиз.

2. 我们商量好了，后天由小王负责提意见，由我和小李负责写申请。

Women shanglianghaole, houtian you xiaoyu fuzi tiyijian, you wo he xiaoli fuzi xie shenqing. Биз келишиб олдик, индинга фикр Сиао Ванг томонидан билдирилади, ариза мен ва Сиао Ли томонидан ёзилади.

Мазкур гапларнинг синтактик тузилишига аҳамият берадиган бўлсак, 由 you олд кўмакчиси билан ифодаланган гаплар структураси ҳам, худди 被 beiли гаплар структураси каби тузилган. Ҳар икки олд кўмакчидан кейин иш ҳаракатни содир этган шахс, ёки бирор иш ҳаракатга масъул бўлган шахс қўйилган.

Хозирги хитой тилида мажҳул нисбатли гаплар 被 bei олд кўмакчиси билан ифодаланади. Мазкур турдаги гапларда кесим феъл билан

ифодаланади ва бунда 被 bei пассивликни ифодаловчи маркер сифатида қўлланилади³⁸.

Хозирги хитой тилининг оғзаки нутқида мажҳул нисбатни 让 rang, 叫 jiao, 给 gei каби олд кўмакчилари иштирокида ҳам ифодаланганлигини кузатишимиз мумкин. Гапларнинг таркиби 被 олд кўмакчиси билан ифодаланган мажҳул нисбатли гаплар схемасига айнан мос бўлади³⁹.

主语 + 被 (叫, 让) + 宾语 + 动词 + 其他成分。

Эга + 被 (叫, 让) + тўлдирувчи + феъл + бошқа бўлаклар.

Масалан:

我的词典叫娜塔莎借去了。Wode cidian jiao Natasha jiequle.

Менинг луғатим Наташа томонидан олиб кетилди.

我的车让弟弟开走了。Wode che rang didi kaizoule.

Менинг машинам укам томонидан хайдаб кетилди.

Хозирги хитой тили оғзаки нутқида 叫, 让 ва 给 олд кўмакчилари иштирокидаги гаплар мажҳул нисбатли гапларни ифодалаб келади. 叫 ва 让 олд кўмакчиларидан кейин гапда албатта тўлдирувчи қўлланилиши керак. Масалан:

他被汽车撞到了。Ta bei qiche zhuangdaole.

У машина томонидан уриб юборилди.

那对花瓶叫人擦干净了。Na dui huaping jiao ren ca ganjingle.

Анави жуфт гулдон у томонидан тозалаб артилди.

他的帽子给 (风) 刮跑了。Tade maozi gei (feng) guapaoale.

Унинг қалпоғи шамолдан учиб кетди.

Гапнинг мазмунига кўра, иш ҳаракатнинг бажарувчиси номаълум бўлган ҳолларда ёки иш ҳаракатни бажарувчиси конкрет кўрсатилмаган бўлса, мажҳул нисбат семантикасини ифодалаш учун 叫 jiao, 让 rang ва

³⁸彭淑莉 汉语动词带宾语“被”字句习得研究 [期刊论文] -汉语学习 2008

³⁹范玉琴. 使用汉语语法. 北京, 1984. -376 页.

给 gei олд кўмакчиларидан кейин 人 ren –одам сўзи қўлланилиши шарт. Бундай тартибда тузилган гапларда 人 ren кимнингдир томонидан, аллаким томонидан бажарилган иш ҳаракатни ифодалайди.

Масалан:

张大夫被人请去了。Zhang daifu bei ren qin qule.

Доктор Жанг (кимдир томонидан) таклиф қилинди.

电视机给人搬到别的教室去了。Dianshiji geiren bandao biede jiaoshi qule. Телевизор (аллаким томонидан) бошқа аудиторияга олиб кириб қўйилди.

我们让人锁在房间里了。Women rang ren suo zai fangjianlile.

Биз (кимдир томонидан) хонада қулфланиб қолдик.

院子里的花儿叫人摘了。Yuanzilide huar jiao ren zhaile.

Боғдаги гуллар (аллаким томонидан) юлиб олинбди.

被 bei дан кейин сўнг от сўз туркумига оид сўзлар яққол намоён бўлмайди, баъзи ҳолларда туширилиб қолдирилиши ҳам мумкин. 被 beили гаплар кўп ҳолларда жараённинг ноодатий тарзда амалга ошганини ифодалаб келади. Инкор равишлари ва модал феъллар 被 beидан олдин ишлатилади. Мажхул нисбатли гапларнинг инкор шакли 没 mei инкор равиши билан ифодаланади, гап охирига ҳаракатнинг тугалланган шаклини кўрсатувчи 了 қўйилмайди.

Масалан:

√ 还好, 骨头没有被车撞伤。Haihao,gutou meiyou beiche zhuang shang.

Яхши ҳамки суяк машина зарбидан жароҳатланмапти.

Грамматик ва синтактик хусусиятига кўра мазкур гап тўғри тузилган. Бироқ,

X 还好, 骨头被车没有撞伤了。

Haihao,gutou beiche meiyou zhuangshangle.

Айнан шу мазмундаги ушбу гап грамматик ва синтактик жиҳатдан нотўғри хисобланади.

Ёки яна бир мисол:

√ 我的车没有叫他错走。Wodeche meiyou jiao ta jiezou.

Менинг машинамни у хайдаб кетмади. Тўғри тузилган гап.

X 我的车叫他没有接走。Wode che jiao ta meiyou jiezou.

Айнан шу мазмундаги иккинчи гапимиз нотўғри хисобланади.

Замонавий хитой тилида мажхул нисбатни ифодаловчи маркерлар 被 bei, 让 rang, 叫 jiao ва 给 gei каби олд кўмакчи вазифасидаги сўзларнинг қўлланилишида биров фарқ ҳам кузатилади. 被 bei ва 给 gei олд кўмакчиларидан кейин тўлдирувчи қўйилмаслиги ҳам мумкин, бу олд кўмакчилар тўғридан тўғри феъл билан ифодаланган кесимдан олдин қўйилиб, иш ҳаракатни бажарувчисини тушириб қолдириши ҳам мумкин. Бу мажхул нисбатни ифодаловчи бошқа олд кўмакчиларнинг грамматик хусусиятларидан фарқли томонидир⁴⁰.

Масалан:

那个姑娘被欺骗了。Nage guniang bei qipianle.

Анави қиз (кимдир томонидан) алданди.

这位师傅被选作工人代表了。

Zhewei shifu beixuanzuo gongren daibiaole.

Бу уста (бизлар, ишчилар ёки кимдир томонидан) вакил этиб танлаб олинди.

图书馆的新书都被借出去了。Tushuguande xinshu dou bei jie chuqule.
Кутубхонадаги янги китоблар (китобхонлар томонидан) олиб кетилди.

Бироқ, 让 rang ва 叫 jiao олд кўмакчиларидан сўнг албатта тўлдирувчи, иш ҳаракат бажарувчиси қўйилиши шарт⁴¹.

Масалан:

⁴⁰彭淑莉 汉语动词带宾语“被”字句习得研究 [期刊论文] -汉语学习 2008

⁴¹彭淑莉汉语动词带宾语“被”字句习得研究 [期刊论文] -汉语学习 2008

√ 做报告的专家**让我们**请来了。

Zuo baogaode zhuanjia rangwomen qinglaile.

Маъруза ўқийдиган мутахассис (биз томонимиздан) таклиф қилинди.

X 做报告的专家**让**请来了。Zuo baogaode zhuanjia rang qinglaile.

Маъруза ўқийдиган мутахассис таклиф қилинди.

√ 我的小秘密**叫**他发现了。Wode xiao mimi jiao ta faxianle.

Менинг кичик сирим (у томонидан) фош қилинди.

X 我的小秘密**叫**发现了。Wode xiao mimi jiao ta faxianle.

Менинг кичик сирим фош қилинди.

√ 图书馆的新书都**叫**人接走了。

Tushuguande xinshu dou jiao ren jie zoule.

Кутубхонадаги янги китоблар (китобхонлар томонидан) олиб кетилди.

X 图书馆的新书都**叫**接走了。Tushuguande xinshu dou jiao ren jie zoule.

Кутубхонадаги янги китоблар олиб кетилди.

Ҳозирги хитой тилида мажҳул нисбатли гапларни ифодалашнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, 被 олд кўмакчиси ёки бошқа воситалар иштирокида ясалган мажҳул нисбатли гапларда феъл албатта икки бўғинли бўлиши шарт.Бундай гапларда феъл бир бўғиндан иборат бўлса хато ҳисобланади.

Масалан:

√ 她被朋友请去了。Ta bei pengyou qing qule.

У (дўсти томонидан) таклиф қилинди.

X 她被朋友请。Ta bei pengyou qing.

У (дўсти томонидан) таклиф қилинди.

√ 桌子上的报纸被我弄湿了。Zhuozi shangde baozhi beiwo nongshile.

Стол устидаги газеталар (мен томонимдан) хўл қилинди.

X 桌子上的报纸被我弄。Zhuozi shangde baozhi bei nong.

Стол устидаги газеталар (мен томонимдан) хўл қилинди.

3.2. Мажхул нисбатни ифодаловчи турғун конструкциялар ва уларнинг семантикаси

Мажхул нисбат семантикасини ифодаловчи гапларни таҳлил қилар эканмиз, албатта бир қатор грамматик конструкцияларнинг қўлланилишига ҳам алоҳида тўхталишимиз лозим. Бинобарин, ҳозирги хитой тилидаги баъзи конструкцияларнинг семантик маънолари айнан мажхулликни ифодалайди. Хусусан, 是...的 shi....de конструкциясини бунга мисол қилишимиз мумкин. Ушбу конструкция бир қатор маънони ифодалаб келсада, айрим ҳолларда мажхул нисбат семантикасини ҳам ифода этиши кузатилади.

是...的 shi....de конструкциясига таъриф берилар экан, ушбу конструкция иш ҳаракатнинг содир этилиш вақтини, жойини, усулини, мақсадини, шарт шароитини ва иш ҳаракатни содир этувчи шахсни алоҳида ажратиб кўрсатиш учун қўлланилади деб изоҳланган. Қуйидаги гапларни хитой тилидан таржима қиладиган бўлсак, улар ифода этган маънодан ёки сўзма сўз таржималардан мажхул нисбатли гаплар семантикасини ифодалашини кўришимиз мумкин.

Масалан:

A: 这本书你是从哪儿借的? Zhe ben shu ni cong nar jiede?

Бу китоб (сен томондан) қаердан олиб келинган?

B: 这本书是从张老师那儿借的。

Zhe ben shushi cong Zhang laoshi nar jiede.

Бу китоб (мен томонидан) Жанг устоздан олиб келинган.

那本小说是阿里送给玛丽的。Na ben xiaoshuo shi Ali song gei Malide.

Анави роман Али томонидан Малига тақдим этилган.

被.....所 bei....suo конструкцияси 被 bei олд кўмакчиси иштирокидаги мажхул нисбатли гапларга айнан ўхшаш, бироқ гапда 所 suo ёрдамчи сўзи

билан конструкция ҳосил қилади. Ушбу конструкция билан тузилган гаплар схемаси қуйидагича бўлади⁴²:

受事+被+施事+所+动词短语 яъни

Ҳаракат объекти +被 олд кўмакчиси + ҳаракат субъекти + 所 ёрдамчи сўзи + феълли бирикма

Масалан:

同学们深深地被老人的话所感动，决心好好学习。

Tongxuemen shenshende bei laorende hua suo gandong, juexin haohao xuexi.

Курсдошлар қариянинг гапларидан чуқур таъсирландилар, яхши ўқишга қарор қилдилар.

他被家庭所累。Ta bei jiating suo lei.

У оиласидан чарчаган.

被.....所 bei....suo конструкциясининг муқобили сифатида 被.....给 bei....gei конструкцияси ҳам мажхул нисбатни ифодалашда кенг қўлланилмоқда⁴³.

Масалан:

我的书被小王给拿做了。Wodeshu bei Xiao Wan gei na zoule.

Менинг китобим Сяо Ван томонидан олиб кетилди.

伤员全被解放军给拉做了。Shangyuan quan bei Jiefangjun gei lazoule.

Ярадорлар Халқ Озодлик Армияси томонидан олиб кетилди.

Ушбу конструкция адабий тилда кўп қўлланилади ва 为....所 wei....suo конструкциясининг ўзгартирилган шакли ҳисобланади. 为....所 wei....suo конструкцияси мумтоз хитой тилида, хусусан вэнянда қўлланилган. Ҳозирга бадиий адабиётда кенг қўлланиладиган конструкциялардан бири ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, 为....所 wei....suo

⁴²游舒 被××结构的新用法及语义槽的生成 [期刊论文] -现代语文 (学术综合) 2012 (5)

⁴³游舒 被××结构的新用法及语义槽的生成 [期刊论文] -现代语文 (学术综合) 2012 (5)

конструкцияси хитой тилини билиш даражаси имтихонларида ҳам юқори даража 5 ва 6 даража имтихонларида учрайди. Ушбу мисолларни тўғри талқин қилишда айрим хатолар кузатилади ва бу муаммони мумтоз хитой тили хусусиятларидан хабари бор ўқувчигина тўғри талқин этиши мумкин. Айрим ҳолларда 为 wei сўзини учун тарзида таржима қилиш натижасида хатоликка йўл қўйилиши мумкин. 为.....所 wei.....suo конструкцияси 被..... 所 bei.....suo конструкциясининг айнан ўзидир⁴⁴.

新的软件系统为广大用户所关注。

Xinde ruanjian xitong wei guangda yonghu suo guanzhu.

Янги дастурлар тизими кенг оммали фойдаланувчилар томонидан қизиқиш билан қабул қилинди.

Шу билан бир қаторда мажҳул нисбат семантикасини ифодаловчи 被.... 所 bei....suo ёки 由....所 you....suo, 收....所 shou....suo конструкцияларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу конструкциялар кўпроқ мумтоз адабиётда мажҳул нисбат семантикасини ифодалашда кенг фойдаланилган.

局势的发展是由这种因素所决定的。

Jushide fazhan shi you zhe zhong yinsu suo jue dingde.

Вазиятнинг ривожини бундай омиллар орқали ҳал этилади.

Учинчи боб бўйича хулосалар. Замонавий хитой тили оғзаки нутқида мажҳул нисбатни ифодалашда нафақат 被 beidan, балки бошқа бир қатор олд кўмакчилардан фойдаланилади. Булар 由 you, 让 rang, 叫 jiao, 给 gei 叫 jiao, 让 rang каби кўмакчилардир. Люй Шусяннинг тадқиқотларига таяниб изоҳлайдиган бўлсак, Пекин диалектининг оғзаки шеvasида мажҳул нисбатли гапларда асосан 让 rang олд кумакчиси кўп қўлланилади. Бироқ, бу олд кўмакчиларининг қўлланилишида фарқлар кузатилади. 被 bei ва 给 gei олд кўмакчиларидан кейин тўлдирувчи қўйилмаслиги ҳам мумкин, бу олд кўмакчилар тўғридан тўғри феъл билан

⁴⁴Ван Ли. Основы китайской грамматики. М.; Иностранная литература. 1984 г., 128С.

ифодаланган кесимдан олдин қўйилиб, иш ҳаракатни бажарувчисини тушириб қолдириши ҳам мумкин. Бу мажҳул нисбатни ифодаловчи бошқа олд қўмакчиларнинг грамматик хусусиятларидан фарқли томонидир.

Бундан ташқари биз мажҳул нисбатни ифодалашди бир қатор конструкциялардан ҳам фойдаланишимиз мумкин. Жумладан, 被 所 bei....suo ёки 由....所 you....suo, 收....所, 是....的 shi....de конструкциялари мажҳул нисбат семантикасини ифодалаши мумкин.

ХУЛОСА

“Хитой тилида мажхул нисбат маъноли гаплар ва уларнинг семантикаси” мавзусидаги магистрлик диссертациясини тадқиқи натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ҳозирги хитой тилида грамматика фани хитой филологияси учун янги фан сифатида эътироф этилади. Ўзларининг она тили грамматикасини изоҳлашга киришган хитой тилшунос олимлари фақатгина XIX асрда танишиб чиқилган европа тилшунослиги назариясига таяниб, грамматикага оид тадқиқотлар олиб борганлар;

2. Замонавий хитой тилшунослиги Европа ва Хитой тилшунослик анъаналарининг омуктасидир. Хитойда тилшунослик фанига Европа филологик анъаналари ўзининг барча мактаблари ва оқимлари билан кириб борган;

3. 被 bei олд кўмакчиси иштирокидаги гапларнинг ҳаммаси ҳам фақатгина салбий маънони англатмай, балки ижобий маънода ҳам кенг қўлланилади;

4. Қадимги хитой тилида мажхул нисбатли гаплар, яъни пассив конструкцияли гаплар 为 ... 所 wei....suo грамматик қурилмаси орқали ифодаланган. 为 wei сўзини ёрдамчи феъл деб ҳисоблаб, уни 被 bei олд кўмакчисининг аналоги сифатида эътироф этамиз, лекин 为 wei пассив конструкцияли гапларда якка ҳолда қўлланилмайди, у албатта 所 suo феъл морфемаси билан биргаликда қўлланилади;

5. Вэнянда ҳам баъзи сўзлар семантик жиҳатдан мажхул нисбатни ифодалаган. Хусусан, 见jian, 受shou каби сўзлар ҳам мажхул нисбатни ифодалаб келган. 见jian, 受shou каби сўзлар билан ифодаланган мажхул нисбатли гапларда 於у олд кўмакчиси ҳам қўлланган;

6. Қадимги хитой адабиётида мажхул нисбатли гаплар семантикаси воситали ва воситасиз, яъни гапда иштирок этувчи сўзларнинг синтактик жойлашувига кўра мажхул нисбат англашилган.

7. Ҳозирги хитой тилида мажҳул нисбатни асосан 被.... 所 bei....suo конструкцияси ифодалайди;
8. Хитой тилида мажҳул нисбатли гаплар воситали ва воситасиз мажҳул нисбатли гапларга бўлинади.
9. Хитой тилида мажҳул нисбат икки асосий усулда, яъни ёрдамчи морфемалар (олд кўмакчилар ва десемантизациялашган феъллар) 被 bei, 叫 jiao, 让 rang, 给 gei, 为 wei, 由 you, 被....所 bei....suo, 为....所 wei....suo, 让....给rang....gei каби грамматик воситалар ҳамда 受 shou, 挨 ai, 遭 zao каби ёрдамчи феъллар иштирокида ифодаланиши мумкин;
10. 被 bei олд кўмакчиси баъзи феъллар билан бирга қўлланолмайди. Булар: алоқа феъллари; ёрдамчи феъллар; мавҳум феъллар; ҳис ҳаяжонни ифодаловчи феъллар; ўтимсиз феъллар; мавҳум феъллар;
11. 由 you олд кўмакчиси иштирокидаги гаплар асосан бирон бир иш ёки бирон бир фаолиятга масъул бўлмоқ, кимнингдир масъулияти остида бажариладиган ишларни ифодалашда қўлланилади, баъзи ҳолларда эса мажҳуллик маъносини ҳам ифодалайди;
12. Хитой тили оғзаки нутқида мажҳул нисбатни ифодалашда асосан 叫 jiao ва 让 rang сўзлари қўлланилади, биз буни Люй Шусяннинг тадқиқотларда яққол кузатишимиз мумкин.
13. Ҳозирги хитой тилида мажҳул нисбатли гапларнинг кўп учраши частотаси асосан диний адабиёт ва саргузашт романларда кузатилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

1. Юқори малакали хитойшунос мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2014 йил 3 сентабрдаги ПП-2228-сонли Қарори

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т., Ўзбекистон, 1996. Т.4. –88 б.
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият.- Т.; Ўзбекистон, 2014 йил.
4. Каримов И.А.Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси. -Т.; “Ўзбекистон”, 1993 йил

III. Илмий адабиётлар

Ўзбек тилида:

5. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш.-Т.: 2010.-175 б.
6. Аъламова М. Ўзбек тилида феълларда нисбат категорияси.-Т., 1992.
7. Жамолхонов Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили.- Т., 2005 .
8. Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш.-Т., 2009.- 176 б.
9. Каримов А.А. Хитой тилининг асосий грамматик бирликлари. Т., 2001.- 50 б.
- 10.Султонсаидова С. Ўзбек тилидаги грамматик категорияларнинг ўзаро муносабати (Ўтимли-ўтимсизлик, даража ва келишик категориялари мисолида).-Т.,1994.-58 б.

Рус тилида:

11. Алпатов В.М. История лингвистических учений.— М.: Языки русской культуры, 1999.
12. Былинский К.И. Язык газеты. Избранные работы.- М.,1996.
13. Горелов В. И. Грамматика китайского языка. - М.: Наука, 1984. - 240 с.
14. Горелов В.И. Стилистика современного китайского языка. – М.: Просвещение, 1979. -238 с.

15. Никитина Т.Н. Синтаксис китайского публицистического текста.-М., 2006.
16. Никитина Т.Н. Грамматика древнекитайских текстов. М.: Восток Запад, 2005. 3-е изд.
17. Софронов М.В. Китайский язык и китайское общество.-М.: Наука, 1979.
18. Яхонтов С.Е. Древнекитайский язык. – М.: Наука, 1965.

Хитой тилида:

19. 张会森. 俄汉语对比研究(上). –上海:上海外语教育出版社, 2005. – 495页.
20. 李德潞. 外国人实用汉语语法.北京.北京语言大学出版社, 2008. -600 页.
21. 刘丹青.语法调查研究手册. – 上海:上海教育出版社, 2008. – 635页.
22. 邓云华.英汉句式的认知研究. – 北京:北京外语教学与研究出版社, 2012. –298 页.
23. 皮德敏.邓云华.汉藏语被动句的类型学分析// 湖南师范大学学报. – 2013. –№3.- 138-141 页.
24. 邵桂珍.汉语被动句功能研究述评// 暨南大学华文学院党报. – 2002. – №2.-66-72 页.
25. 李珠.意义被动句的使用范围// 世界汉语教学. – 1989. - №3. –151-153 页.
26. 沈家煊.句法的象似性问题// 外语教学与研究. – 1993. - №1. -2 页
27. 虚庆.现代汉语词汇系统论。北京，1999.-300页.

IV. Манбалар

Ўзбек тилида:

28. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. – Т., 1983.- 112 б.
29. Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Т.: Фан, 2002 й. -254 б.
30. Hashimova S. A., Nosirova S. A. Xitoy tili grammatikasi, T.: Jahon print, 2012 y. -123 b.

31. Hidoyatova Sh., Karimov A., Aminov E. Xitoy tili grammatikasi I qism.-T.: Fan va Texnologiya, 2004 y. -76 b.

Рус тилида:

32. Ван Ли. Основы китайской грамматики.-М.; Иностранная литература. 1984 .- 243 с.
33. Гуревич. И.С. Очерк грамматики китайского языка 3-4 вв. нэ.— М.: Наука, 1974. – 254с.
34. Дёмина Н.А. Методика преподавания практического китайского языка. – М.: Восточная литература, 2006. - 278 с.
35. Драгунов А. А. Исследования по грамматике современного китайского языка. - М., Л., 1952.
36. Жданкин И. В. Слова - единицы речи в китайском языке; Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - М., 1985.
37. Задоев Т.П., Хуан Шуин. Основы китайского языка.-М.: Наука, 1983.
38. Зограф И.Т. Официальный Вэньянь, М.: Наука, 1990.-120 с.
39. Иванов А. И., Поливанов Е. Д. Грамматика современного китайского языка. - М.: Ин-т востоковедения. 2001. -120 с.
40. Карапетьянц А. М. Типология основных единиц китайского языка. -М., 1992.
41. Коротков И. Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка (Грамматическая природа слова). - М.: Наука, 1968.
42. Лемешко Ю.Г., Никитина Т.Н. Вэньянизмы в публицистическом стиле китайского языка. – В кн.: Молодежь и научно-технический прогресс. Материалы региональной научной конференции 21-24 апреля 1998г. Часть I. – Владивосток, ДВГТУ, 1998.
43. Мудров. Б. Г. Китайско – русский словарь. – Москва. 1987.-1500 с.
44. Норман Б.Ю. Переходность, залог, возвратность (на материале болгарскогои других славянских языков). – Минск: Изд-во БГУ, 1972. – 132 с.

45. Прядохин М.Г., Прядохина Л.И. Краткий словарь трудностей китайского языка. – М.: Издательский Дом Муравей, 1998.
46. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь –справочник лингвистических терминов. М.; Наука, 1976.-542 с.
47. Русско – Китайский словарь. 1989.- 1300 с.

Хитой тилида:

48. 樊友新从"被就业"看"被"的语用功能 [期刊论文] -合肥师范学院学报 2010.
49. 游舒“被××”结构的新用法及语义槽的生成 [期刊论文] -现代语文（学术综合） 2012.
50. 符淮青 《现代汉语词汇》，北京：北京大学，2004.-230 页.
51. 范玉琴. 使用汉语语法。北京，1984. -376 页.
52. 吕叔湘. 著文言虚字. – 北京:大官出版社, 1970.
53. 高守纲著. 古代汉语词义通论. –北京: 语文出版社, 1994.
54. 鲁迅著. 诂介亭杂文. – 北京: 人民文学出版社, 1998.
55. 绿报哈工大学生绿色协 会编辑部, 1999 № 6.
56. 吕叔湘主编。现代汉语 八百词 . – 北京: 1996 .
57. 潘兆明，陈如编著。读报刊看中国. – 北京: 北京大学出版社1997.
58. 辞海。 - 北京，1979. -1200 页
59. 汉俄词典。上海，2004年.- 800 页

V. Даврий нашрлар

Ўзбек тилида:

60. Алибекова М. Феъл нисбатлари ва феъл майллари//Тил ва адабиёт таълими. 1998. №3. -86-89 б.
61. Аъламова М. Сифатдош ва ҳаракат номларининг нисбат шакллари//Тил ва адабиёт таълими. 1995. №1.-55-56 б.
62. Миртожиев М. Мажхул нисбат масаласи// Ўзбек тили ва адабиёти. 1985. №2.-31-34 б.

Рус тилида:

63. Бочина Т.Г. Функционально-когнитивные особенности выражения пассива в русском и китайском языках//Филология и культура. 2013. №4(34).-С.37-41
64. Козинцева Н.А. Трехчленный пассив в газетном тексте // Труды по русской и славянской филологии. Лингвистика. Новая Серия 1. – Тарту, 1997.-94 с.
65. Котов А.М. Стилистический статус вэньянизмов в современном китайском языке // Вопросы языкознания.- М., 1987. №5.
66. Солнцева Н.В. Солнцев В.М. К вопросу агглютинации в современном китайском языке//Вопросы языкознания.-М.,1982. №6.
67. Товянская Е. Прагматическая функция пассивных конструкций bei в современном китайском языке//Типология пассивных конструкций. Диатезы и залоги. Холодович А.А. (ред.)-Ленинград, 2014.
68. Храковский В.С. Пассивные конструкции//Типология пассивных конструкций. Диатезы и залоги. Холодович А.А. (ред.)-Ленинград, 1974.
69. Храковский В.С. Пассивные конструкции//Теория функциональной грамматики: Персональность. Залоговость. – СПб.: Наука, 1991. -141-181 с.

Хитой тилида:

70. 中国 - №2 (52) 2010. - 2, -43 б.
71. 中国 新闻周刊 - №6. 2014. – 76 б.
72. 中国 新闻周刊 - №6. 2010. - 22-23, 48 -49, 62 -63 б.
73. 中国 新闻周刊 - №7. 2010.-10,14, 26,75 б.
74. 中国 新闻周刊 - №8. 2010. -74 б.
75. 中国 新闻周刊- №6. 2010. -22-23, 48 -49, 62 -63 б.
76. 田雪原。中国社会保障/ 梧州转播出版社 №2. 2005. -110 б.
77. 田小宝。中国人口/梧州转播出版社 - № 6. 2006. -110 б.
78. 王灿. 中国民族 /梧州转播出版社 № 1. 2004.-110б.

79. 人民画报. – 北京: 新华, 1996. № 1
80. 社会科学辑刊. 辽宁社会科学 学院), 1996. № 5

VI. Интернет сайтлари:

81. <http://www.nigma.ru>
82. <http://www.baidu.com>.
83. <http://www.Google.com>.
84. <http://www.wanfangdata.com>
85. [http:// www. Studychinese.ru](http://www.Studychinese.ru)